# Қурбон ҳайитингиз муборак бўлсин!

*Mustaqillik huquq demakdir*

# HUQUQ

# 02
(421)

YURIDIK GAZETA

| Yanvar | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| D. | 30 | 2 | 9 | 16 | 23 |
| S. | 31 | 3 | 10 | 17 | 24 |
| Ch. | | 4 | 11✓ | 18 | 25 |
| P. | | 5 | 12 | 19 | 26 |
| J. | | 6 | 13 | 20 | 27 |
| Sh. | | 7 | 14 | 21 | 28 |
| Y. | 1 | 8 | 15 | 22 | 29 |

2006

Gazeta 1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan.

WWW.HUQUQ.UZ. E-mail: info@huquq.uz

## 14 январ – Ватан ҳимоячилари куни



Muqaddas burch

## ВАТАН САРҲАДЛАРИ ИШОНЧЛИ ҚЎЛЛАРДА



Шуҳрат УЗОҚОВ,
Ўзбекистон Республикаси ҳарбий прокурори — Республика Бош прокурорининг ўринбосари

Бугунги кунда ҳар бир давлатнинг қудрати армиясининг жанговар шайлиги ва замонавий қурол-аслаҳалардан қандай фойдаланиши билан баҳоланади. Мамлакатимиз бу борада дунёнинг етакчи давлатлари билан ҳамкорлик қилмоқда.

Ўзбекистон парламентининг 1992 йил 14 январда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган ҳарбий қисмлар ва ҳарбий ўқув муассасалари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ мамлакатимиздаги ҳарбий қисмлар, ҳарбий ўқув юртлари, ҳарбий муассаса ва ташкилотлар Ўзбекистон тасарруфига олинди. Ўтган давр мобайнида миллий армиямизни такомиллаштириш борасида қатор ҳужжатлар қабул қилинди.

Президентимизнинг 1992 йил 28 февралдаги «Ҳарбий трибуналар ва ҳарбий прокуратура органлари тўғрисида»ги фармонига асосан Туркистон ҳарбий округи прокуратураси негизида Ўзбекистон Қуролли кучлари ҳарбий прокуратураси ташкил этилди. Давр тақозосига кўра ҳарбий прокуратура органларининг фаолияти билан боғлиқ норматив ҳужжатлар кейинчалик такомиллаштирилди ва «Қуролли кучлар ҳарбий прокуратураси тўғрисида»ги низом ишлаб чиқилиб, 1993 йил май ойида Ўзбекистон Бош прокурори томонидан тасдиқланди. Президентимизнинг 1999 йил 30 мартдаги фармонига асосан Қуролли кучлар ҳарбий прокуратураси негизида Ўзбекистон ҳарбий прокуратураси тузилди. «Ҳарбий прокуратура тўғрисида» низом ишлаб чиқилиб, 1999 йил 14 апрелда Бош прокурор томонидан тасдиқланди.

Ушбу фармонга биноан ҳарбий прокуратура раҳбарларини тайинлаш бевосита мамлакат президентининг ваколатига олинди. Шунингдек, Ўзбекистон Бош прокурорининг ўринбосари — Республика ҳарбий прокурори лавозими таъсис этилди. Бир вақтнинг ўзида ҳарбий прокуратура тизими ўзгартирилиб, гарнизон ҳарбий прокуратуралари ўрнида ҳудудий ҳарбий прокуратуралар ҳамда округ ҳарбий прокуратуралари ташкил этилди.

(Давоми 4-бетда).

Insonparvarlik

## Кечиримлилик — азалий қадрият

**Мамлакатимизда ҳуқуқий жамият барпо этиш йўлида амалга оширилаётган ислоҳотлар инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашнинг том маънодаги кафолати сифатида бўй кўрсатмоқда. Мустақиллик йиллари Президентимизнинг амнистия тўғрисидаги бир қатор фармонлари қабул қилиндики, бу ҳақиқатан ҳам ҳукуматимизнинг инсонпарварлигидан далолат беради. Натижада минглаб одамлар жазодан, жазони ўташдан озод қилинди.**

2005 йил 2 декабр куни Олий Мажлис Сенати конституцияга киритилган ўзгаришларга биноан илк бор «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 13 йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»-ги қарорни қабул қилди. Шу муносабат билан Тошкент шаҳар прокуратураси зиммасида ҳам мазкур қарорнинг ижросини таъминлаш бўйича масъулиятли вазифалар турибди.

«Амнистия тўғрисида»ги қарорда бир неча бандлар мавжудки, бу инсонпарварлик тамойили янада кенгроқ қамровда қўлланилаётганидан далолат беради. Масалан, ўтган йилги фармоннинг 6-бандида: «...фармоннинг биринчи моддасида қайд этилган шахслар томонидан содир этилган жиноятлар, шунингдек, биринчи марта содир этилган ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар юзасидан олиб борилаётган тергов ишлари ва судда кўрилмаган ишлар тугатилсин», — дейилган бўлса, бу йилги қарорнинг 5-бандида юқоридагиларга қўшимча равишда унча оғир бўлмаган жиноятлар туркумига киритилган жиноятлар юзасидан олиб борилаётган тергов ишлари ва судда кўрилмаган ишлар тугатилиши лозимлиги кўрсатилган.

Жиноят ишларининг амнистия тўғрисидаги қарорга мувофиқ суриштирув ва тергов босқичида, судда тугатилиши шахсни жиноий жавобгарликдан озод қилиш учун асос ҳисобланади. Етказилган зарарни ундириш масаласи фуқаролик ишларини судда юритиш тартибида ҳал қилинади.

(Давоми 2-бетда).

Iftixor

## «ОФИЦЕР БЎЛМОҚЧИМАН...»

Одил аканинг касби ҳайдовчи. Фарғона такси саройида узоқ йиллар ишлаган. Ҳозир хусусий машинасида йўловчиларга хизмат қилади. Икки қизи, икки ўғли бор. Катта ўғли Азизбек яқинда ҳарбий хизматни ўтаб келди.

— Яна хизматни давом эттирмоқчи, — дейди Одил ака. — Шартнома асосида хизмат қилишга ҳужжатларини топширди. Ҳарбий билим юртига ўқишга кириб офицер бўламан деяпти. Болалигидан қизиқади. Нуқул ҳарбий самолёт, танкларнинг расмини чизарди. Дуо кетган эканми, Чирчиқдаги ҳарбий ҳаво кучлари қисмида хизматни ўтади... Ҳарб ишини ўрганиб, юртимиз ҳудудлари дахлсизлигини ҳимоя қилишга шай туриш фарзандлик бурчимиз. Замонавий ҳарбий техникаларни миридан сиригача ўргатибгина қолмай, юрт меҳрини сингдириб бориш билан ҳар қандай ёвни енгишга қодир аскарлар тарбияланади. Биз хизмат қилган собиқ совет армиясида дедовшина деб аталмиш иллат ҳукм сурарди. Низомларга хилоф норасмий қоида бўйича икки йиллик хизматнинг ярмини ўтаб қўйган аскарлар хизматни энди бошлаган йигитларга зўравонлик билан интизомни «ўргатишарди». Қайсарлик қилиб итоат этмаганларни калтаклаб уриб «йўлга» солишарди. Ўғлим хизмат қилган қисмга бориб, ўз кўзим билан кўриб, шунга ишонч ҳосил қилдимки, бизнинг армиямизда бу иллат йўқ. Йигитлар ҳарбий ишни низом талаблари доирасида ўрганишаяпти. Ҳам маънавий, ҳам жисмоний тобланишаяпти...

Ота-онасининг назарида ҳарбий хизматга чақирилгунча ҳамон ёш бола бўлган Азизбек бир йил мобайнида чинакам йигит бўлиб улғайгандай. Батартиб, саришта, юриш-туришида ички бир интизом, ҳар қандай юмушни меъёрига етказиб уддалайди.

— Ҳарбий хизматдан кўп нарса олдим, — дейди Азизбек Шокиров. — Ота-она, опа-ука, дўст-у биродарларнинг соғинчи, меҳрини уйингиздан олисда чинакамига ҳис қиларкансиз, қадрига етаркансиз. Ҳарбий интизом пала-партиш кун кечиришга барҳам берди. Ўзимни, ҳис-туйғуларимни бошқаришга, ҳар қандай ишни, топшириқни вақти-соатида бекам-у кўст адо этишга ўргатди. Ишониб топширилган вазифани панд бермай бажариш масъулиятини сингдирди. Взвод командиримиз катта лейтенант Самандар Иноятов қатъиятли, чўрткесар, талабчан, билимдон. Ҳарбий низом қоидаларининг сўзсиз бажарилишини талаб қилади. Қийин вазиятларда чидам ва сабот билан тўғри йўлни танлашни ўргатади. Унга ҳавас қилиб, дилимга офицер бўлишни тугиб қўйдим. Ҳарбийда кўп дўстлар орттирдим. Бирга хизмат қилган ҳамшаҳарим Адҳам Тошматов билан кўришиб турамиз. Андижонлик Бобур Умрзоқов, қашқадарёлик Фарруҳ Сафаров, самарқандлик Темир Соҳибназаровлар билан телефонда гаплашиб турамиз...

Офицер бўлиб Қуролли кучлар сафида Ватан сарҳадларини, халқимиз тинчлигини қўриқлашни ният қилган Азизбек Шокировнинг барча яхши ният ва орзулари ушалишига тилакдошмиз.

**Исроил ИБРОҲИМОВ,**
**«Huquq» мухбири**

## СВОЖҚК ДЕПАРТАМЕНТИ ХАБАР ҚИЛАДИ

**Бекобод шаҳрида ўтказилган тадбирда фуқаро О.Норбўтаев Тожикистондан республикамиз ҳудудига божхона назоратини четлаб, айланма йўллар орқали акциз маркалари бўлмаган 2 млн. 656,5 минг сўмлик 4830 қути тамаки маҳсулотларини олиб ўтаётганда ушланди.**

**«Пахтабанк»нинг Олтинсой туман Қорлиқ бўлими валюта айрибошлаш шахобчаси кассири У.Тоғаев 9700 АҚШ долларини 2 нафар фуқарога сотганлиги тўғрисида ҳужжатларни қалбакилаштириб, номаълум шахсларга сотиб юборганлиги аниқланган.**

**Пастдарғом туманидаги «XXI аср» ХФ экспедитори Ш. Аҳмеджанов ишонч қоғозлари орқали «Илғор» комбинатидан шартномага асосан олган 8 млн. 466 минг сўмлик 2000 кг. сариёғ ва 1980 кг. чойдан «Улуғбек» пахта заводига фақат 1600 кг. сариёғ ва 180 кг. чойни топшириб, қолган 4 млн. 400 минг сўмлик маҳсулотларни ўзлаштирган.**

**Қорақалпоғистон Республикаси Тўрткўл туманидаги деҳқон бозорида фуқаро У.Отажонов, Ю.Оқназаровлар ноқонуний равишда 6500 Россия рублини фуқаро Е.Коваленкога 289,2 минг сўмга сотаётган вақтларида ушланди. Улардан 1 млн. 6,1 минг сўм, 330 АҚШ доллари, 2200 қозоқ тенгеси ва 6600 Россия рублллари далилий ашё сифатида олиб қўйилди.**

**Тахтакўпир туманидаги «Айдос қалъа» санаторияси мансабдорлари 15 нафар ходимга тарқатилиши лозим бўлган 3 млн. 834 минг сўмлик иш ҳақини ҳамда санаторияга тегишли 3 дона телевизор, музлатгич ва мусиқа марказини ўзлаштиришганлиги аниқланди. Шунингдек, улар давлат бюджетига тўланиши лозим бўлган 1 млн. 734 минг сўмлик тўловларни тўламаганлиги маълум бўлди.**

**Ўртачирчиқ тумани «Янги турмуш» ширкат хўжалигида 2005 йил 252 гектар ерга буғдой экиш белгиланган бўлса-да, хўжалик мансабдорлари 152 гектар ерга буғдой экиб, қолган 98,4 минг гектарига буғдой экишмаган ва хўжаликка 20 млн. 40,8 минг сўмлик зарар етказилган. Ҳисоботларга эса 280,7 гектар ерга буғдой экилганлиги ҳақида сохта маълумот киритишади. Текширишда 2 млн. 515,6 минг сўмлик пахта чиқиндисининг камомадига йўл қўйилганлиги ҳам аниқланди.**

**Қибрай туманида яшовчи Б.Жалилов Қозоғистондан Ўзбекистон ҳудудига божхона назоратини четлаб, айланма йўллар орқали 3 млн. 86 минг сўмлик аёллар этикларини олиб ўтаётганлиги аниқланиб, этиклар далилий ашё сифатида олиб қўйилган.**

**Самарқанд вилоятидаги «Графика-С» МЧЖ раҳбари А.Рауфов муқаддам жиноий жавобгарликка тортилган бўлишига қарамай, Садриддин Айний ширкат хўжалиги раиси С.Ашуров билан тил бириктириб, фуқаро Х.Тугалов ва бошқалар номига тузилган меҳнат шартномаларини қалбакилаштирганликлари аниқланди. Шунингдек, тамаки етиштирувчи ижарачилар билан тамаки харид ҳужжатларини расмийлаштирмай, 500 тонна тамаки маҳсулотларини сотиб олиб, 125 млн. сўмлик савдони амалга оширганликлари маълум бўлди.**

**Қорақалпоғистон Республикасидаги «Тахиотош Дон» ҳиссадорлик жамиятининг Хўжайли гуруч филиали омбор мудири К.Мауленов 5 млн. 80,8 минг сўмлик 21.519 кг. уруғлик буғдойнинг камомадига йўл қўйганлиги аниқланди.**

**Юқоридаги барча ҳолатлар юзасидан ЖКнинг тегишли моддалари бўйича жиноят иши қўзғатилган.**

# Кечиримлилик – азалий қадрият

(Бошланиши 1-бетда).

Шу билан бирга «Амнистия тўғрисида»ги қарорнинг 3-бандида санаб ўтилган шахсларга нисбатан жиноят ишлари ҳаракатдан тугатилмайди. Уларни тергов қилиш ва судда кўриб чиқиш умумий тартибда амалга оширилади. Башарти, шахс айбланаётган жиноий қилмишида айбдор деб топилса, суд ЖПКнинг 463-моддаси 3-қисми 1-банди талабига асосан ҳукм чиқаради.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, қарорнинг 4-банди таъсир доирасига содир этган жиноятининг оғирлик даражаси ва жазо меъёридан қатъи назар, озодликдан маҳрум қилиниб, «Амнистия тўғрисида»ги қарор эълон қилингунга қадар ўташ учун икки йилдан кўп бўлмаган жазо тайинланган маҳкумлар тушадилар (жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш жиноятини содир этганлар бундан мустасно).

«Амнистия тўғрисида»ги қарорни ижро қилиш жараёнида айрим саволлар туғилиши мумкинки, уларни тўғри ҳал қилиш муҳим аҳамият касб этади. Жумладан, амнистия ўта хавфли рецедивистларга, жазони ўташ тартибини мунтазам равишда бузаётган шахсларга, илгари авф этиш ёки амнистия тартибида жазодан озод этилиб, яна қасддан жиноят содир этган шахсларга татбиқ этилмайди.

Амалиётда ўтган йилги фармонни қўллаш жараёнида шундай ҳолатлар ҳам учрадики, илгари амнистия тартибида жазодан озод қилинган шахс эҳтиётсизлик оқибатида жиноят содир қилганда суд унга амнистия актини қўлламади. Бу хато туман прокурорининг апелляция тартибида келтирган протестига асосан юқори босқичдаги суд томонидан тузатилди.

Юқорида таъкидланганидек, жазони ўташ тартибини мунтазам равишда бузаётган шахсларга амнистия татбиқ этилмайди. Бу тоифадаги шахсларга ҳукм ижроси кечиктирилган ёки синов муддати давомида қасддан жиноят содир этганлар ҳам киради. Бундай шахсларга нисбатан амнистия башарти ҳукм кучга кирган кундан бошлаб бир йилдан ортиқ муддат ўтган бўлсагина қўлланиши мумкин.

Қарорга кўра асосий жазодан озод қилинганлар қўшимча жазодан озод қилинмайди.

Қарорни қўллашда қонунда белгиланган тартибда тугалланган ёки олиб ташланган судланганлик ҳисобга олинмайди. Аввал эҳтиётсизлик орқасида, шунингдек, қасддан содир этган жинояти учун озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазони ўтаб чиққан шахсларнинг судланганлиги ҳам ҳисобга олинмайди.

Илгари авф этиш ёки амнистия тартибида жазодан озод қилинганлар деганда Ўзбекистон Президентининг фармонлари асосида судланганлиги тугалланган ёки олиб ташланганлигидан қатъи назар, суд томонидан белгиланган жазолардан, суд ҳукми чиқарилмай жиноий жавобгарликдан озод қилинганларни тушуниш керак.

Тошкент шаҳри бўйича 2005 йил 30 декабрга қадар 1286 кишига амнистия қўлланди, шундан 1123 нафари жазони ўташдан озод этилди. Айни кунларда ҳам амнистия қўлланиши муносабати билан билиб-билмай жиноят кўчасига кириб қолган ўнлаб юртдошларимиз оиласи, ёр-биродарлари ёнига қайтишмоқда. Уларни ишга жойлашгунига қадар қўллаб туриш маъносида моддий ёрдам бериш йўлга қўйилган. Шаҳар бўйича аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига 727 корхонада 15.235 та квотали иш ўрни ташкил этилган бўлиб, шундан 803 тасига жазони ўташдан озод қилинган фуқаролар жалб қилиниши мўлжалланган.

Биламизки, кечиримлилик миллатимизнинг азалий қадриятларидан биридир. Собиқ маҳбуснинг ана шу имкониятдан фойдалана олиши ва ёруғ юз билан жамиятга киришиб кетиши, албатта, кўпроқ унинг ўзига боғлиқ.

**Сирожиддин МИРСАФОЕВ,**
**Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим бошлиғининг ўринбосари**

Nazorat

## Тадбиркорга мададкормиз

**Мамлакат ишбилармонлари учун янги давр бошланди. Тадбиркорликни ривожлантириш, тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ҳуқуқий ҳимоя қилиш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Айниқса, тадбиркорлар фаолиятига ноқонуний аралашувларнинг олдини олиш, текширишларни камайтириш каби имтиёзлар тадбиркорларни янада эркинроқ меҳнат қилишга ундаётир.**

**Вилоят прокуратура органлари томонидан хўжалик юритувчи субъектларда ўтказилган текширишлар сони кескин камайтирилди. Биргина 2005 йилнинг ўзида назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича махсус ваколатли орган томонидан вилоят прокуратураси органлари текшириш ўтказиши учун рухсат берилган 54 та хўжалик юритувчи субъектдан 25 таси режадан чиқарилди.**

**Ўтган йилда тадбиркорлик ҳуқуқлари ҳимоясига қаратилган 170 дан ортиқ прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилган. Судларга тадбиркорлик субъектларининг манфаатларига етказилган 24 млн. 850 минг сўмлик моддий зарарни ундириш ҳақида 70 та даъво аризаси киритилди. Тадбиркорлар ҳақ-ҳуқуқларини менсимаган 31 нафар мансабдор шахс интизомий ва маъмурий жавобгарликка тортилди.**

**Акром МУСТАНОВ,**
**Навоий вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи**

Xabar

## СЕЛЕКТОР ЙИҒИЛИШИ

**Шу йилнинг 6 январ куни бўлиб ўтган Бош вазир Ш.Мирзиёев раҳбарлигидаги селектор йиғилишига Андижон вилоятининг барча туман прокурорларининг иштироки таъминланди.**

**Селектор йиғилишидан келиб чиқиб, 7 январда Булоқбоши туманида барча туман прокурорлари, туман машина-трактор парки ва фермер хўжаликларига айлантирилаётган ширкат хўжаликлари негизида ташкил этилган муқобил МТПларда баҳорги экиш мавсумига қишлоқ хўжалиги техникаларини тайёрлаш бўйича кўргазмали семинар ўтказилди.**

**Унда Президент девонининг масъул ходими А.Омонов иштирок этиб, тегишли кўрсатма ва тавсиялар берди.**

**Вилоят прокуратураси томонидан ушбу йўналишда прокурорлик назоратини ташкил этиш бўйича йўналишлар бериб борилмоқда.**

Qaror va ijro

## Бепарво пудратчилар

**«Экинларни пайҳон қилишга қарши кураш чораларини кучайтириш тўғрисида»ги Президент қарори ижросини таъминлаш юзасидан вилоят прокуратураси, вилоят хокимлиги ҳамда ИИБ билан ҳамкорликда бир қатор тадбирларни амалга оширмоқда. Жумладан, қарор талабларини бажариш мақсадида бу ишга вилоят бўйича 388 нафар ИИБ ходимлари жалб этилган. Улар иштирокида жойларда 169 та кузатув постлари ташкил этилиб, бу постларга мингдан ортиқ дала қоровуллари бириктирилган ва юздан зиёд отлиқ гуруҳлар фаолияти йўлга қўйилган.**

Лекин шунга қарамай, айрим туманларда қарор ижросини таъминлаш борасида жиддий камчиликларга йўл қўйилмоқда. Шу кунга қадар вилоят прокуратураси органлари томонидан ўтказилган текширишлар натижасига кўра 198 ҳолатда 18,95 гектар ер пайҳон қилингани аниқланди. Бундай салбий ҳолатлар Тўрақўрғон туманидаги «Олтин водий» ва Уйчи туманидаги «Улуғбек» ширкат хўжаликлари ҳудудларида кўплаб содир этилмоқда. Ғалла майдонларининг пайҳон қилинишига йўл қўйган А.Мелибоев ва бошқа бир қатор фуқароларга нисбатан маъмурий ҳуқуқбузарликка оид иш қўзғатилди. Лекин шу ерда ғалла майдонларининг бевосита мутасадди эгалари бўлган хўжаликларнинг бош пудратчилари қаёққа қарашди, деган савол туғилади. Ҳақиқатан ҳам мазкур хўжаликларнинг бош пудратчилари Н.Хўжаев, К.Искандаров, Э.Темиров ўзлари етакчилик қилаётган ғалла майдонларини назоратсиз қолдиришган.

Ўз хизмат вазифасини лозим даражада бажармай, хўжаликка моддий зарар етказилишига сабабчи бўлган бундай фуқаролар фаолиятига тегишли баҳо берилди. Улар томонидан етказилган моддий зарар тўла қопланди.

Афсуски, бундай ҳолатлар бошқа туманларда ҳам содир этилмоқда. Вилоят прокуратура органлари томонидан қонунбузилишларнинг олдини олиш ва бартараф этиш мақсадида 13 та тақдимнома киритилди, 25 нафар шахс қонунбузилишига бошқа йўл қўймаслик ҳақида огоҳлантирилди. 60 нафар фуқаро маъмурий жавобгарликка тортилди, 7,5 миллион сўмлик зарар ундирилиб, 369 минг сўмдан зиёд зарарни ундириш юзасидан судларга даъво аризалари киритилди ва 2 та ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилди.

**Авазбек ЮСУПОВ,**
**Наманган вилоят прокуратураси бўлим прокурори**

Prokuratura aralashgach...

## «Олоттекс»да нима гап?

Бозор иқтисодиётини ривожлантириш кўп жиҳатдан мамлакатга кириб келаётган чет эл инвестицияларни ишлаб чиқаришга жалб этишга боғлиқ. Олот туманида 2003 йилнинг июлида Олот тикув фабрикаси негизида «Олоттекс» қўшма корхонаси ташкил этилди. «Бухоротекс» ҳиссадорлик жамияти ва Швецариянинг «Vimatex inter sa» фирмаси ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу корхона йилига 2959 тонна калава ип ва 6 млн. пагонаметр хом сурп ишлаб чиқариш қувватига эга эди.

Қўшма корхонанинг лойиҳа баҳоси 9 млн. 402 минг, устав жамғармаси 4 млн. 902 минг АҚШ долларини ташкил қилади. Корхонага Швецариянинг «Vimatex inter sa» фирмаси томонидан 1 млн. 615 минг АҚШ доллари миқдоридаги «Зульнер Рути» тикув дастгоҳлари келтирилиб ўрнатилди. Шунингдек, фирма 885 минг АҚШ доллари миқдорида олинган кредит фоизларини ва банк тўловларини тўлашни, «Бухоротекс» ҳиссадорлик жамияти эса 1 млн. 648 минг АҚШ доллари миқдоридаги бино ва иншоотлар, қурилиш-монтаж ишлари харажатлари ҳамда корхонани пахта билан таъминлашни ўз зиммасига олган.

Қўшма корхона маҳаллий хом ашёдан жаҳон стандартларига мос, харидоргир маҳсулотлар ишлаб чиқариш, экспорт қилиш имкониятига эга бўлди. Йилига 1,7-2,4 млн. долларлик маҳсулот ҳамдўстлик ва Европа мамлакатларига экспорт қилинаётгани фикримизни исботлайди.

Бироқ яхши ниятларда ташкил этилган корхонага путур етди. Қўшма корхона мутасаддилари — бош директор Ж.Абдуназаров ва бош ҳисобчи Х.Маъмуровлар ўзбошимчаликка боришиб, Вазирлар Маҳкамасининг «Иш ҳақини ўз вақтида тўланишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори талабларини унутишди.

Текширишда 2005 йилнинг 30 ноябрига ишчиларга 28 млн. сўмлик иш ҳақи тўланмаганлиги аниқланди. Меҳнати ўз вақтида рағбатлантирилмаган ҳар қандай ходимнинг бажараётган ишига нисбатан муносабати ўзгариши, фаолият самараси пасайиши табиий.

Фуқаролик ишлари бўйича Қоракўл туманлараро судига ишчиларнинг иш ҳақини ундириш ҳақида даъво аризаси киритилди. Бош директор ва ҳисобчи қонун олдида жавоб берадиган бўлди. Афсуски, корхонанинг 2005 йил 1 ноябр ҳолатидаги молиявий кўрсаткичлари қониқарли деб бўлмайди. 2004 йилнинг шу даврида маҳсулот сотишдан соф тушум 3 млрд. 849 млн. 367 минг сўмни ташкил этган. 2005 йилга келиб соф тушум 1 млрд. 416 млн. 871 минг сўмга тушиб қолаяпти. Сотилган маҳсулотларнинг умумий таннархи 2004 йилнинг шу даврида 3 млрд. 842 млн. 948 минг сўмни ташкил қилган бўлса, 2005 йилда ушбу кўрсаткич 1 млрд. 233 млн. 349 минг сўмни ташкил этган.

2005 йилнинг 10 ноябрига бюджетдан 53 млн. 629 минг 890 сўм боқиманда қарздорлиги мавжуд бўлган корхона истиқболи ҳақида яна нима дейиш мумкин. Хўш, мазкур корхонанинг оти улуғ, супраси қуруқ бўлиб қолишида кимлар айбдор? Балки, «Олоттекс» Ўзбекистон-Швецария қўшма корхонаси мутасаддиларида юртбошимиз таъкидлаганидек, раҳбарга хос талабчанлик, қатъият, мажбуриятни англаш ҳисси етишмаётгани камчилик ва нуқсонларга, хусусан, қонунбузилишларга сабаб бўлаётгандир?

**Завқиддин АМОНОВ,**
**Олот туман прокурорининг ёрдамчиси**

Konstitutsiyani o`rganamiz

# КЕЛАЖАГИМИЗНИНГ ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТИ

***Асосий қонунимиз – Ўзбекистон Конституцияси қабул қилинганига ҳам 13 йил тўлди. Шу йиллар давомида бу мўътабар ҳужжат халқимизнинг дилидан жой олди, инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, мажбуриятларини ўзида мужассам этган дастуриламал сифатида намоён бўлди. Йиллар ўтгани сайин Конституциямизнинг мукаммаллиги, ҳаётийлиги исботланмоқда. Бу эса истиқлолнинг илк йилларида Президентимиз раҳбарлигида Асосий қонунни яратиш йўлида амалга оширилган машаққатли меҳнат самарасидир.***

Ҳар йили биз 8 декабрни давлат байрами сифатида нишонлаймиз. 1992 йил декабрда конституцияни қабул қилиш асносида биз Ўзбекистоннинг мустақиллиги, демократия ва озодлик учун овоз бердик.

Ўтган давр ичида нимага эришган бўлсак, конституция нормаларига риоя этган ҳолда эришдик. Шунинг учун мамлакатимизнинг сиёсий, маърифий ҳаётида юртбошимизнинг 2001 йил 4 январда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида»ги фармойиши муҳим ўрин тутади. Фармойишга кўра Конституцияни билиш, унинг мазмун-моҳиятини тарғиб қилиш мақсадида тузилган комиссия зиммасига Асосий қонунни ўрганиш дастурини яратиш, махсус ўқув курсларини ишлаб чиқиш, методик қўлланмаларни тайёрлаш вазифаси юкланган эди. Ана шу вазифаларни амалга ошириш учун 2001 — 2002-ўқув йилидан бошлаб мактабгача ва умумий ўрта таълим муассасаларида, ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим муассасаларида Ўзбекистон Конституциясини ўрганиш курсларини ўқитишга киришилди. Кўплаб дарслик ва қўлланмалар яратилди ва етарли нусхада чоп этилди.

Бундан ташқари етакчи ҳуқуқшунослар ва педагоглар муаллифлигида олий ўқув юртлари талабаларига мўлжалланган ўқув қўлланмаси бакалавриат ва магистратура босқичлари учун алоҳида китоб шаклида нашр қилинди.

Ўзбекистон миллий университети юридик факультетининг «Конституциявий ҳуқуқ» кафедраси таклифи асосида ҳар йили талабалар ўртасида Конституцияга бағишланган танлов ўтказилади. Фармойишда белгиланган вазифаларни бажариш мақсадида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, таълим муассасалари, жамоат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари томонидан Конституция кунига бағишлаб ўтказиладиган танловлар конституциявий билимларни янада оммалаштиришга хизмат қилмоқда.

Бу хайрли тадбирларда Ўзбекистон Конституциявий суди ҳам имкон қадар иштирок этаяпти. Кейинги пайтларда конституциянинг моҳиятини тарғиб этиш бўйича ОАВ билан самарали ҳамкорлик ўрнатилди. «Ўзбекистон» телеканалида Конституциявий суд томонидан «Ҳаётимиз қомуси» номли кўрсатув ташкил этилди. У ҳар ойда икки марта эфирга берилмоқда. «Маҳалла» ва «Туркистон» газеталари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати билан Конституцияни тарғиб этишга бағишланган ҳамкорлик режаси тасдиқланган.

2005 йил 11 март куни «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш ва ёш авлоднинг ҳуқуқий онги, тафаккури ва маданиятини юксалтиришнинг кафолати» мавзусида конференция ўтказилди. Уни Конституциявий суд раиси М.Абдусаломов бошқариб борди ва маъруза қилди. Шунингдек, конференцияда Бош вазир ўринбосари, Олий ва ўрта махсус таълим вазири Р.Қосимов, Халқ таълими вазири Т.Жўраев, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон миллий марказининг директори А.Саидовларнинг ҳам маърузалари тингланди.

Шу ўринда конституцияни ўрганиш бўйича баъзи мулоҳазаларимни билдирмоқчиман.

Ўзбекистон Конституцияси лойиҳасини тайёрлаш икки ярим йил давом этди. Лойиҳа икки марта умумхалқ муҳокамасига қўйилди ва янада сайқал топди. Бизнинг ҳозирги вазифамиз ана шу улуғ ҳужжатнинг яратилиши устида қандай иш олиб борилганлигига доир тарихий ҳақиқатни оммага кенгроқ ёритишдан иборатдир.

Ҳозирги пайтда таълим муассасаларида Конституциядан сабоқ бераётган мутахассисларнинг савиясига жиддийроқ эътибор бериш керак. Конституциявий ҳуқуқни мукаммал биладиган ҳуқуқшунос-педагогларни тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш лозим.

Яна бир истак шундан иборатки, мамлакатимиз аҳолиси кўп миллатлидир. Ўзбекистон халқининг анчагина қисмини тожиклар, қирғизлар, қозоқлар, туркманлар ташкил этади. Шунинг учун Конституция шу миллатларнинг тилида ҳам чоп этилиши зарур.

**Узоқ БОЗОРОВ,**
**Ўзбекистон Конституциявий судининг судьяси**



**Қорақалпоғистон Республикаси болалар шифохонасида 160 ўринлик жой бўлиб, 6 та бўлимда 55 нафар врач ва 150 нафар тиббий ходимлар хизмат кўрсатади. Яқинда ушбу шифохонанинг бир қисми қайтадан таъмирланиб, энг замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди.**

**Суратда: Болалар шифохонаси фаолиятидан лавҳалар.**

**Бердиниёз АЛЛАШЕВ олган суратлар**

2006-yil — Xomiylar va shifokorlar yili

# Қўлни қўлга, дилни дилга боғласак...

***Халқимизда савоб ишни ҳар ким, ҳар кун қилиши керак деган ибратли нақл бор. Мамлакатимизда 2006 йилнинг «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» дея эълон қилиниши «Сиҳат-саломатлик йили»да эл саломатлиги йўлида улгурилмай қолган талай ишларни давом эттириш имконини беради. Янги йилдаги устувор вазифалар белгиланган айни пайтда халқимизнинг кўнглидан қандай фикрлар кечаётгани газетхонларни лоқайд қолдирмайди дея ўйладик.***

**Самарқанд вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Мирсодиқ МУСЛИМОВ:**

— Инсоннинг наздида саломатликнинг баҳоси йўқ, чунки саломатлик бўлмаса, ҳеч нима татимайди. Шуларни инобатга олган ҳолда мамлакатимизда халқимизга муносиб турмуш шароити яратиш, ҳамма фойдалана оладиган ва сифатли соғлиқни сақлаш тизимини шакллантириш борасида катта ишлар қилинмоқда.

Вилоятимизда 990 та тиббий муассаса мавжуд бўлиб, шулардан 96 таси шифохона, 497 таси амбулатория-поликлиника ҳамда 397 таси фелдшерлик-акушерлик пунктларидир. Уларда 7159 та врач, 17.258 та ўрта махсус маълумотли ва 8685 та кичик тиббий ходим хизмат қилмоқда.

Президентимизнинг 1998 йил 10 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури тўғрисида»ги фармонига биноан вилоятда талай ишлар қилинган бўлса-да, «Сиҳат-саломатлик йили»да охирига етказилмаган юмушлар, ечилиши зарур бўлган муаммолар йўқ эмас. Лекин, ҳар қалай, вилоят ҳокимлиги ҳамда жойлардаги шаҳар ва туман ҳокимликлари ташаббуси билан тузилган «Саломатлик-1», «Саломатлик-2» лойиҳалари асосида зарур жиҳозларни харид қилиш ишлари бошлаб юборилди. Айни пайтда ана шу жиҳозлар қўйиладиган 361 та врачлик пунктлари бунга тайёрланаяпти.

Вилоят даволаш-профилактик муассасаларининг моддий техник базасини ривожлантириш учун ўтган йили 1.323.100.000 сўм ажратилиб, тўлиқ сарфланди. Шунингдек, бошқа йиллардагидан фарқли ўлароқ, капитал таъмирлаш учун 540.600.000 сўм, асбоб-ускуналар учун 407.000.000 сўм ажратиб берилганлиги натижасида бугунги кунда халқимизга намунали тиббий хизмат кўрсатишда талайгина қулайликлар яратилди.

«Сиҳат-саломатлик йили»нинг ўзига хос томони шундаки, тиббий муассасаларни таъмирлаш учун қўшимча бюджет маблағлари ҳисобидан яна 398.000.000 сўм ажратилди. Мана шундай имкониятдан унумли фойдаланган жамоамиз кўп ишларни ниҳоясига етказиб олди.

Яна бир эътиборли масала шошилинч тиббий ёрдам хизматини бугунги кун талаби даражасига кўтариш эди. Деярли барча шаҳар ва туманларда аҳолига шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш бўлимларининг таъминоти яхшиланди. Энг асосийси, бугунги кунда барча ҳудудларда хизмат кўрсатувчи «тез ёрдам» бўлимлари ва 42 та «тез ёрдам» машинасига радиоалоқа воситалари ўрнатиб берилди.

Бугунги кунда вилоят ҳокимияти билан ҳамкорликда 990 та тиббий муассасанинг ҳар бирига ҳомийларни жалб қилиш режасини тузиб чиқдик. Саховатпеша ҳомийлар эл саломатлиги йўлидаги савоб ишларга баҳоли қудрат ҳиссасини қўшишига ишонаман.

**Самарқанд тумани ҳокими Баҳодир САЪДУЛЛАЕВ:**

— Яқинларимиздан бири оғриб қоладиган бўлса, ҳамма ишни қўйиб унинг дардига чора излаб қоламиз. Қай бир доирада юрмайлик, ҳеч бир қувончли тантана-ю мулозамат соғлиқ билан боғлиқ кемтикликнинг ўрнини боса олмайди.

Мамлакатимиз Конституциясининг 13 йиллигига бағишлаб ўтказилган йиғилишда юртбошимизнинг янги йилни «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» дея аташ ҳақидаги таклифини эшитгач, ич-ичимдан суюндим. Қанчалик ҳаракат қилмайлик «Сиҳат-саломатлик йили»да якунига етказолмаган ишларимиз кўп эди-да. Лекин излаган имконият топар экан. Туманимиз марказий шифохонаси Япониянинг 58.160 АҚШ доллари миқдоридаги грантини ютиб олган эди. Ҳозиргача мазкур давлат элчихонаси орқали улар билан тузилган шартномага кўра ушбу маблағга энг замонавий асбоб-ускуналар харид қилинди. Қолган муассасаларимизнинг шароити, хизмат кўрсатиш даражаси обдон ўрганилиб, камчиликларни бартараф этиш чоралари кўрилаяпти.

Туманимизда бақувват саноат корхоналари, қўшма корхона ва ишбилармонлар талайгина. Улар туман тараққиёти ва эл манфаати йўлида қилинаётган ишларда фаол қатнашадилар. Ҳозир ҳар бир тиббий муассасадаги камчиликлар махсус ҳайъат томонидан ўрганилиб, уларга ҳомийлар белгилаб чиқилаётир. Энг асосийси, ҳомийлик илғор жамоаларнинг ташаббуси билан белгиланаяпти.

**Оқтош шаҳридаги хусусий шифохона бош врачи Бойхўроз БЕРДИЁРОВ:**

— Халқимиз учун сифатли соғлиқни сақлаш тизимини шакллантириш борасида йилдан йилга янгидан-янги имкониятлар яратилаётгани яхши албатта. Аммо ўз ҳаловатидан кечган ҳолда кечани кеча, кундузни кундуз демасдан эл саломатлиги йўлида хизмат қилаётган шифокорларнинг меҳнатини баҳолашга келганда баъзи паст-баланд фикрлар ҳам қулоққа чалиниб қоларди. Беш-ўн чақирим йўл босиб ишга келиб-кетувчи врачларнинг маошлари кўп ҳолларда уларнинг эҳтиёжини қопламай келаётгани сезилиб турарди.

Юртбошимизнинг 2005 йил 1 декабрдаги «Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори ана шу ҳолатни изга солишда айни муддао бўлди. Ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштиришда, энг аввало, даволаш муассасаларининг ихтисослашуви, ходимларнинг малакаси ҳисобга олиниши жуда яхши бўлган. Бу борада кўрсатилаётган тиббий ёрдам миқдори, мураккаблик даражаси ва сифатига қараб табақалаштириш йўлга қўйилмоқда. Буларнинг бари ҳар бир тиббиёт ходими кўнглида касбга меҳр туйғусининг ортишига олиб келади.

«Ҳомийлар ва шифокорлар йили»нинг янада баракали келишидан умидвормиз. Қайси тадбиркор, қайси корхона билан ҳамкорлик ришталарини боғлашни аллақачон ўйлаб, бир тўхтамга келиб қўйганмиз.

Бошланган йилимиз ҳар биримиз учун омадли келсин. Сиҳат-саломатлик тоабад йўлдошимиз бўлиб қолсин!

**Фикрларни «Ниqиq» мухбири Мансур АЛОВУДДИНОВ ёзиб олди**

# Мардлар қўриқлайди



**Қудратли мамлакатнинг аскари бақувват бўлур, аскари бақувват мамлакат қудратли бўлур.**

**Амир ТЕМУР**

## ВАТАН САРҲАДЛАРИ ИШОНЧЛИ ҚЎЛЛАРДА

(Бошланиши 1-бетда).

Ўтган даврда ҳарбий прокуратура органларининг фаолияти ҳарбий қисмлар ва муассасаларда қонунийлик ва жиноятчилик аҳволини ҳисобга олган ҳолда олиб борилди. Жумладан, Республика ҳарбий прокуратурасининг фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими томонидан қонунлар ижроси юзасидан 2005 йили жами 1016 та текшириш ўтказилиб, 186 та ноқонуний ҳужжатга протест киритилган. Текширишлар давомида Қуролли кучлар манфаатига етказилган 103.666.000 сўмлик зарарни айбдорлар ихтиёрий равишда тўлашган, 98.623.000 сўмлик зарарни ундириш тўғрисида судларга даъво аризалари киритилган.

Республика ҳарбий прокуратура органлари томонидан мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, давлат ва жамоат мулкини хусусийлаштиришни тартибга солишга қаратилган қонунлар ижроси ҳамда ҳуқуқий муносабатларда қонунийликни мустаҳкамлаш юзасидан салмоқли ишлар қилинди. Масалан, Мудофаа вазирлиги балансида бўлган, Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани «Буюк ипак йўли» кўчасидаги 131-, 135-уйларнинг 1-қавати «Capital exim» МЧЖ ва «Shirin servis» хусусий фирмаси томонидан қонунга зид равишда хусусийлаштирилганлиги аниқланганидан сўнг уларни вазирлик балансига қайтариш тўғрисида Тошкент шаҳар хўжалик судига даъво аризаси киритилди ва тўлиқ қаноатлантирилди.

Бундан ташқари, Республика ҳарбий прокуратураси органлари томонидан ҳарбий хизматчиларни уй-жой билан таъминлашдаги муаммоларни бартараф қилиш мақсадида Мудофаа вазирлигига қарашли уй-жойларга ноқонуний равишда кириб олган фуқароларни чиқариш мақсадида фуқаролик ишлари бўйича судларга 96 та даъво аризаси киритилган. Шундан 34 та даъво бўйича суднинг кучга кирган қарори мавжуд. Масалан, фуқаро Н.Абдуллаев Мудофаа вазирлигига қарашли уйга ноқонуний равишда кириб олганлиги юзасидан Термиз ҳарбий прокуратурасининг даъвоси судда кўрилиб, қонунбузар турар-жойдан кўчирилди.

Ўзбекистон Президентининг «Ўзбекистон Республикаси ҳарбий хизматчиларни ижтимоий муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг ижроси юзасидан бир қанча ҳарбий қисм командирларининг қонунга зид буйруқларига нисбатан 186 та протест киритилиши натижасида ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқлари тикланди. Масалан, Бувайда туман мудофаа ишлари бўлими хизматчиси Д.Йўлдошеванинг ноқонуний равишда ишдан бўшатилганлиги аниқланиб, ҳарбий прокурорнинг протестига асосан у вазифасига тикланган ва унга етказилган зарар жавобгарлардан ундирилган.

Ўзбекистон ҳарбий прокуратураси органлари асосий эътиборни жиноят ишларини тергов қилишда аниқланиши лозим бўлган ҳолатларнинг ҳар томонлама, тўла ва холисона текширилишини таъминлаш, ҳарбий хизматчилар ва фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратганлиги боис 2005 йилда фуқароларни ноқонуний равишда жиноий жавобгарликка тортиш ва қамоққа олиш ҳолатларига йўл қўйилмаган.

2005 йилда ҳарбий судлар томонидан биринчи босқичда кўрилган жиноят ишларининг барчасида ҳарбий прокурорларнинг иштироки таъминланган. Ҳарбий прокурорлар томонидан суд қарорларига нисбатан 13 та хусусий, 26 та апелляция, 5 та кассация ва 15 та назорат тартибида протест киритилган. Хусусий протестларнинг 7 таси, апелляция протестларининг 18 таси, кассация протестларидан 5 таси, назорат протестларининг 9 таси қаноатлантирилган.

Бугунги кунда халқимизнинг армияга бўлган муносабати тубдан ўзгарди. Вояга етган ҳар бир йигит ҳарбий хизматда бўлишни шараф деб билмоқда. Хизмат бурчини ўтаган йигитлар учун катта имтиёзлар берилаяпти. Бунга юртбошимизнинг «Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга бериладиган имтиёзлар тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳам мисол бўла олади.

Фурсатдан фойдаланиб Ватанимизнинг барча ҳимоячиларини қутлуғ байрам билан табриклайман. Уларга соғлиқ-омонлик тилайман.

Шухрат УЗОҚОВ,
Ўзбекистон Республикаси ҳарбий прокурори — Республика Бош прокурорининг ўринбосари

## ТАРҒИБОТ САМАРАСИ



Мамлакатимизнинг стратегик ва ҳарбий қудратини ошириш, сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлашда миллий армиямизнинг ўрни беқиёс. Ҳарбийларимизнинг маҳоратларини ошириш билан бирга улар ўртасида тартиб-интизомни мустаҳкамлаш, ҳарбийларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ҳуқуқий демократик жамият қуришнинг долзарб шартларидан биридир. Бу эса ҳарбий прокуратура органлари зиммасига ҳарбийлар ўртасида қонунчилик тарғиботини йўлга қўйиш, қонунчиликдаги янгиликларни шарҳлаб бориш каби масъулиятли вазифани юклайди.

Шимоли-ғарбий ҳарбий округ прокуратураси томонидан ҳам ҳарбий қисмларда мунтазам учрашув ва суҳбатлар, қонунчилик тарғиботи ишлари уюштириб борилмоқда. Ўтган йили 251 марта ана шундай тадбир ўтказилди. Биз нафақат ҳарбий хизматчилар, балки аскарликка шайланаётган ўсмирлар билан ҳам яқин алоқа ўрнатганмиз.

Ҳарбий қисмлар қўмондонликлари билан ҳамкорликда ёш аскарлар билан умумҳарбий низомлар ва уларни бузганлик учун жавобгарлик юзасидан ҳам суҳбатлар уюштирилмоқда. Бунинг самараси ўлароқ ҳарбий қисмларда жиноятчилик олдинги йилларга нисбатан кескин камайди.

**П.ҚУРБОННИЁЗОВ,**
**Шимоли-ғарбий ҳарбий округ ҳарбий прокурори**

## ИСЛОҲОТЛАР



Қуролли кучларимизни ривожлантириш, мамлакатимизнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилган ишлар, ҳарбийларга яратилаётган шароит ва имтиёзлар натижасида фуқаролар орасида ҳарбий хизматнинг нуфузи ортиб бормоқда.

Термиз ҳарбий прокуратураси прокурор-тергов ходимларининг фаолияти ҳарбий қисми, муассаса ва ташкилотларда қонунчиликни мустаҳкамлаш, давлатимиз мудофаа қудрати ҳамда жанговар шайлигини ошириш, жиноятчиликка қарши курашни таъминлашга қаратилган.

Олиб борилган тарғибот-ташвиқот тадбирлари натижасида ўтган йили жиноятчилик камайишига эришилди. Ҳарбий қисм ва муассасаларда ўтказилган текширишларда давлат мулкининг талон-тарож қилиниши, мақсадсиз сарфланишининг олдини олиш, автомобил ва ҳарбий техникаларнинг сақланишига алоҳида эътибор қаратилди.

Жумладан, Сурхондарё вилоят мудофаа ишлари бошқармасида ўтказилган текширишда бошқарма молия ва моддий-техника таъминоти бўлинмаси бошлиғи Х.Кариевнинг 2.813.600 сўмлик мол-мулк-



*Марказий ҳарбий округ ҳарбий прокуратураси жамоаси.*



## Осойишталигимизга

Бугун ватанимизнинг қайси минтақасини олмайлик, шаҳар ва қишлоқларимизнинг қиёфаси тубдан ўзгариб, янада чирой очаётир. Давлатимизнинг куч-қудрати ва салоҳияти ортиб, иқтисодиётимизда, ижтимоий ва маънавий ҳаётимизда салмоқли ютуқлар қўлга киритилмоқда. Юртбошимиз Конституциямиз қабул қилинганлигининг 13 йиллигига бағишланган маросимда Ватаннинг юксак мукофотларини топшириш чоғида ҳам сарҳадларимиз дахлсизлигини кўз қорачиғидек асраш, тинч ва осойишта ҳаётимизни сақлашнинг мустаҳкам ва ишончли гарови бўлмиш ҳарбийларимиз, ҳуқуқ-тартибот ва хавфсизлик идоралари ходимлари ишига ижобий баҳо бериб ўтган эди.

Яқинда Самарқанд ҳарбий прокуратурасида бўлганимизда олиб борилаётган ҳуқуқ-тарғибот ишларини кўриб кўнглимиз қувонди. Ҳуқуқ-тарғиботи хонасидаги техник воситалар, тегишли қонунлар, буйруқлар ва улар шарҳига бағишланган қўлланмалар, турли ҳуқуқий, сиёсий-иқтисодий мавзудаги китоблар, газета ва журналлар киши диққатини тортади.

— Ватан посбонлари нафақат жисмонан соғлом, жасур ва бақувват бўлмоғи, балки бугунги кун сиёсати даражасида барча дунёвий ва ҳарбий билимларни пухта ўрганган, ватанпарварлик туйғуларини қалбига жо этган бўлмоғи лозим,— дейди Самарқанд ҳарбий прокурори Ж.Саиджонов.— Демак, чиниқиш машқлари билан бир қаторда доимий равишда ўқиб-ўрганиб, ўз билимларини ошириб бориши армиямизнинг янада қудратли бўлишини таъминлайди. Шу мақсадда марказий ҳарбий округнинг Самарқанд гарнизонида жойлашган барча ҳарбий қисмларга ташриф буюриб, ватан ҳимоячиларининг ҳуқуқий билим олишлари, яратилган шарт-шароитлари билан яқиндан танишиб бораяпмиз.

Прокурор урғу берганидек, бугунги кун армияси бир замонлардагидан тубдан фарқ қилади. Энг асосийси, фарзандларимиз қадам етмас, қулоқ эшитмас олис юртларда эмас, ўз юртида йигитлик бурчини адо этиб келаётир. Боз устига ўз оиласи, яқинлари ва ватанининг тинчлиги ҳимоячиси бўлиш ҳар бир ёш қалбига шижоат ба-

# Ватанни!

**Мамлакатимиз тупроғида яшаб турган ва ўзини ватанпарвар деб ҳисоблаган ҳар бир киши унинг яхлитлиги ва бирлигини асраб-авайлаши шарт.**
**Ислом КАРИМОВ**

## Ҳамкорлик маҳсули

*Ҳарбий прокуратура тизимида қонунчилик тарғиботи жиноятчилик ва қонунчилик аҳволидан келиб чиқиб, ҳудудлар ва ҳарбий қисмларнинг хусусиятларини эътиборга олган ҳолда қисм қўмондонликлари билан ҳамкорликда амалга оширилмоқда.*

**Жумладан, 2005 йилда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилиб, ЎзТВнинг «Ватанпарвар» кўрсатувида ва маҳаллий телевидениеларда чиқишлар қилинди. Бундан ташқари Республика Бош прокуратурасининг «Qonun himoyasida» журналида, «Ватанпарвар», «Huquq», «Инсон ва қонун», «Халқ сўзи», «Туркистон», «Ўзбекистон овози» ҳамда округ ва ҳудудий ҳарбий прокуратуралар муассислигида чиқадиган газеталарда мақолалар чоп этилди.**

**Ўзбекистон ҳарбий прокуратураси, округ ва ҳудудий ҳарбий прокуратуралар томонидан 2005 йилда ҳарбий қисм ва муассасаларда жами 5693 та турли тадбирлар ўтказилди. Жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича МХХ махсус бўлимлари, ҳарбий қўмондонликлар ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда иш олиб борилди. Натижада 2005 йили жиноятчиликнинг камайишига эришилди. Айниқса безорилик, ўғирлик, қасддан одам ўлдириш, босқинчилик, порахўрлик жиноятлари ўтган йилга нисбатан анча камайган. Бу ўз навбатида Қуролли кучларда ҳарбий интизомни мустаҳкамлашга ҳарбий прокуратура органларининг муносиб ҳисса қўшаётганлигидан далолатдир.**

**Аслам ХОЛИҚОВ,**
**Республика ҳарбий прокурорининг катта ёрдамчиси**



*Тошкент ҳарбий округ ҳарбий прокуратурасининг катта терговчиси Фазлиддин Данабоев иш устида.*

## Сўнгги имконият

Ҳаёт мураккаб. Ҳар доим биз истагандек кечавермайди. Шунинг учун баъзан нохуш ҳолатларга дуч келганимизда тақдирда бор экан деб қўямиз. Айтайлик йўлга чиққан ҳайдовчи кутилмаганда бир йўловчини уриб юбориши мумкин. Ҳайдовчини қанча оқламайлик барибир қонун оқламайди. Айбдор жазога тортилиши мумкин. Бу мулоҳазаларни ёзиш билан 2005 йилнинг 2 декабрида Олий Мажлис Сенатининг «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 13 йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги қарорида инсонпарварлик принципларига амал қилинганлиги ҳақида фикр билдирмоқчимиз. Қарорнинг 2-бандида: «Эҳтиётсизлик орқасида жиноят содир этганлар, шунингдек биринчи марта ҳукм қилинган шахслар, башарти улар ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят содир этган бўлсалар, жазони ўташдан озод қилинсин», — дейилган.

Ушбу қарордан сўнг минглаб маҳбуслар уйларига қайтади. Уларнинг ҳаётда ўз ўрнини топиб кетиши учун катта ишлар қилинмоқда. Энг асосийси, собиқ маҳбусларни маҳалла-кўйда яккалаб қўймаслик, уларга ҳам маънавий, ҳам моддий жиҳатдан кўмак бериш лозим. Шундагина улар жамиятнинг фидойи кишисига айланади.

**Жўрабой ИМОМОВ,**
**Республика ҳарбий прокуратураси бўлим прокурори**

## ИСТИҚБОЛИ

ни ўзлаштирганлиги аниқланди. Суд унга нисбатан тегишли жазо белгилади.

Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонун талаблари ҳамда Республика Бош прокурорининг 2004 йил 10 декабр кунги «Фуқаролар ва юридик шахсларнинг мурожаатлари кўриб чиқилишида қонунийликни таъминлаш тўғрисида»ги буйруғи ижросини таъминлаш борасида ҳам кўплаб ишлар амалга оширилди. Жумладан, Термиз шаҳрида яшовчи Г.Эшалиева Термиз шаҳар 5-савдо ташкилоти фарзандининг 2 ёшгача нафақа пулини бермаётганлигини маълум қилади. Аризани кўриб чиқиш давомида Г. Эшалиевага 52.228 сўмлик нафақа пули ундирилиши таъминланди.

Термиз туманида яшовчи Ф.Қурбонова Термиз ҳарбий госпитали ҳамширалигидан ноқонуний бўшатилганлигини билдириб, мурожаат қилган. Текширишда ҳарбий госпитал бошлиғининг буйруғига протест келтирилиб, Ф.Қурбонова иш жойига қайта тикланди.

Термиз ҳарбий прокуратураси томонидан Термиз уй-жойдан фойдаланиш қисмида, ҳарбий қисмларда Мудофаа вазирлигига қарашли уй-жойларни тақсимлаш ва ноқонуний равишда эгаллаб олган шахслардан қайтариб олиш мақсадида қатор ишлар амалга оширилган.

2005 йилда гарнизон ҳудудидаги ҳарбий қисмларда ҳарбий хизматчиларни уй-жой билан таъминлаш аҳволи юзасидан текширишлар ўтказилди. Текширишда ҳарбийларга тегишли уйларда бир неча йиллардан бери мутлақо алоқаси бўлмаган фуқаролар истиқомат қилаётганлиги аниқланган.

Термиз ҳарбий прокуратураси томонидан фуқаролик ишлари бўйича судларга 55 та даъво аризаси киритилиб, ҳозирги кунда 34 таси бўйича ҳал қилув қарорлари чиқарилган. Мудофаа вазирлигига қарашли уйларда ноқонуний равишда яшаб келаётган фуқаролар хонадонлардан чиқарилди.

**Ё.САФАРОВ,**
**Термиз ҳарбий прокурори, адлия подполковниги**

## Йигит омон бўлса....

**Бугун муқаддас заминимиздаги тинч ва осойишта ҳаётни кўз қорачиғидек асраш каби шарафли бурчни энг муносиб ўғил-қизларимиз адо этишмоқда. Улар учун армиямиз ватанпарварлик мактабини ўтамоқда.**

**Ҳарбийларимизга ҳукуматимиз томонидан имтиёзлар берилмоқда. Ҳозирги кунда дунёда бизнинг юртимиздаги каби муддатли хизматга чақирув ва шартнома-контракт бўйича хизматни танлов асосида ўтайдиган мамлакатнинг ўзини топиш қийин. Бундай ислоҳотлар ҳарбий соҳада туб бурилиш ясамоқда. Ҳарбий хизмат нуфузи ва ҳарбий хизматчиларнинг касб маҳоратини ошириш, уларнинг ижтимоий муҳофазаси масаласи ҳукуматимизнинг диққат марказида. 2005 йилнинг 19 августидаги «Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучлари ҳарбий хизматчиларини ижтимоий муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент қарори сўзимизга исбот бўлади. Ушбу қарорнинг 2-бандига кўра 2005 йилнинг 1 сентябридан Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучлари офицерлари ва контракт бўйича хизмат қилаётган ҳарбий хизматчиларнинг пул таъминотига белгиланган хизмат муддатини ўтаганлик учун ойлик фоизли устама ҳақ миқдорлари қуйидагича белгиланди:**

**3 йилдан 5 йилгача хизмат муддатини ўтаганда -15 фоиз, 5 йилдан 10 йилгача хизмат муддатини ўтаганда -25 фоиз, 10 йилдан 20 йилгача хизмат муддатини ўтаганда -30 фоиз, 20 йилдан ортиқ хизмат муддатини ўтаганда -30 фоиз.**

**Гарнизон ҳарбий қисм ва ҳарбий муассасалар манфаатини кўзлаб Мудофаа вазирлигига қарашли уй-жойларда ноқонуний яшаб келаётган шахсларни аниқлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада судларга 8 та даъво аризаси киритилди. Мудофаа вазирлиги ихтиёридаги 12 та хонадонда ноқонуний яшаб келаётган оилалар аниқланиб, уйлар ҳарбий хизматчиларга олиб берилди.**

**Зокир ЖУМАНИЁЗОВ,**
**Андижон ҳарбий прокурори**

## Кўз тегмасин

ғишлаши шубҳасиздир.

Шарқий қисм шахсий таркиби «Сиз қонунни биласизми?» мавзусида ўтказиладиган кечага жамлангунгача қисм командирларининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари, майор И.Бегимқулов ҳамроҳлигида муддатли ва шартнома асосида хизмат қилаётган аскарларга яратилган шароит билан танишдик. Ётоқхона, ювиниш ва дам олиш хоналари саришта. Ўқув машғулотлари ўтказиладиган хона телевизор, компьютер ва ранго-ранг кўргазмали воситалар билан бойитилган. Кенг ва ёруғ ошхона, спорт майдонлари ҳамда шинамгина клуб юрт посбонларининг вақтида овқатланиши, чиниқиши, кўнгилли дам олиши учун хизмат кўрсатаётир.

– Ҳуқуқ-тарғибот ишларининг жонлантирилиши натижасида ҳарбий хизматчилар орасида ўтган йилда бирорта ҳам қонунбузилиши қайд этилмади, — дейди қисм командири Шокир Дўстжонов,— ҳар бир бўлинмада командирлар ва аскарлар ўртасида дўстона муҳит ўрнатилган. Хизматга келиб қўшилаётган ёшларни тажрибали аскарларга бириктириб қўйилиши яхши натижа бераётир.

Шахсий таркиб иштирокидаги тадбир эсда қоларли тарзда якунланди. Шундан сўнг оркестр жўрлигида қисм ҳарбий хизматчилари қўшиқ жўрлигида тантанали юришлар билан тарқалишди. Кенг ва равон майдон қадамлар зарбидан титраб, оҳанглар оқшом насимида олис-олисларга таралarди:

Бир, икки, уч деймиз,
Билакларда куч деймиз.
Қаторларда норингмиз,
Юртим, зафар куч деймиз!..

Шу аснода олис ғарб тупроқларида кечган, бундан 34-35 йиллар бурунги аскарлик йилларимиз беихтиёр хаёлимдан ўта бошлайди. Ўз опа-сингил, ёрларимиз ёди дилни забт этгани билан, ўзбек алёрлари ўрнига «Прошай Маруся, дорогая!» дея бошланувчи каби қўшиқларни куйлаш билан чекланардик. «Воҳай бола!»ни тантанали юришда куйлаганимиз учун ҳаттоки жазо олган пайтларимиз ҳам бўлганди.

Айнан шу хусусдаги фикрларимиз билан ўртоқлашиб, бўлинма командири, катта лейтенант Шавкат Тўлаев ва оркестр аъзолари даврасида анча муддат қолиб кетдим.

Илоҳим, фаровон турмушимиз, осойишталигимизга кўз тегмасин. Юртимиз ҳимоячиларининг касб байрами яна бир бор муборак бўлсин!

**Мансур АЛОВУДДИНОВ,**
**«Huquq» мухбири**

## Имтиёз – бу рағбатдир

Кейинги йилларда Ўзбекистон Қуролли кучларида олиб борилган ислоҳотлар энг аввало армияни модернизациялаш, ҳарбий хизмат нуфузи ва ҳарбий хизматчиларнинг касб маҳоратини ошириш, уларни ижтимоий муҳофазаси масалаларига қаратилди.

Узоққа боришнинг кераги йўқ, яқин ўтмишда 18 ёшга тўлган йигитларимиз олис ўлкаларда 2-3 йиллаб ҳарбий хизматни ўташган. Мустақиллик шарофати ила бугун ҳар бир йигит ўз она тупроғида бир йил ёки бир ойлик хизматни ўташ ва Ватан сарҳадларини ҳимоя қилиш сирларини ўрганиш шарафига муяссар бўлди.

Ўтган даврда ҳарбий соҳани ислоҳ қилиш борасида 20 дан ортиқ ҳукумат қарорлари қабул қилинди, турли тоифалардаги ҳарбий хизматчилар учун мансаб маошларининг янги миқдорлари белгиланди. Қуролли кучларнинг ҳар хил турлари ҳарбий хизматчиларининг касб маҳорати ўсишини рағбатлантириш мақсадида аъло хизмат, малака даражалари учун пул мукофотининг қўшимча турлари ҳамда иқлим шароитлари оғир бўлган жойлардаги хизмат учун ҳудудий коэффициентлар тўлаш белгиланди.

Бундан ташқари, Республикамизда ҳарбий соҳадаги ислоҳотларда аста-секин профессионал армияни шакллантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Бу эса ўз тақдирини Ватан ҳимоясига бағишлаш истагида бўлганлар учун жуда катта имкониятлар яратди. Чунки эндиликда, бундай хизматни ўтаётган шахс оиласининг моддий аҳволи тўғрисида бош қотирмай, ўзини тамоман ҳарбий хизмат сирларини эгаллашга, профессионал даражадаги ватан ҳимоячиси бўлиб етишишга сарфлайди.

Фикримизнинг далили сифатида, 2005 йилнинг 1 сентябридан Ўзбекистон Қуролли кучлари офицерлари ва контракт бўйича хизмат қилаётган ҳарбий хизматчиларининг пул таъминотига белгиланган хизмат муддатини ўтаганлик учун ойлик фоизли устама ҳақ миқдорлари белгиланганлигини айтиш мумкин. Бундан ташқари муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларнинг ойлик пул таъминоти 2 баравардан ортиқ кўпайтирилди. Улар заҳирага бўшатилганида бериладиган нафақа эса энг кам иш ҳақининг 8 бараваригача, турар-жойлар ижараси учун компенсация миқдорлари ўрта ҳисобда 50 фоизга оширилди.

2005 йилнинг 1 сентябридан бошлаб муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларнинг мансаб маошлари миқдори 1,2 баравар, ҳарбий хизматдан бўшатилиш чоғида бериладиган нафақа миқдори 2 баравар оширилиб, энг кам иш ҳақининг ўн олти баравари миқдорида белгиланди.

Бундай хизмат ўташ истагидаги 30 ёшгача бўлган, муддатли ҳарбий хизматни ўтаган ёшлар ҳарбий комиссариатлар орқали контракт асосида ишлаш имконига эгадирлар.

Қолаверса, Республика Президентининг 2005 йил 30 октябрдаги қарори билан ҳарбий хизматни тугатаётган ёшларни рағбатлантиришнинг аҳамиятини, уларнинг ўқишни давом эттириши ва мамлакат олий ўқув юртларига ўқишга кириши учун имтиёз ва шароитлар яратиш мақсадида, Қуролли кучлар сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган фуқароларга республика олий ўқув юртларига ўқишга киришда тест синовларида тўпланадиган энг кўп баллнинг 25 фоизи миқдорида қўшимча балл шаклидаги имтиёз бериш белгиланди. Лекин бундай имтиёз интилиши, қобилияти ва билим олишга иштиёқи баланд ёшларга ҳарбий қисм қўмондонлигининг тегишли тавсияномаси билан берилади ва бу Ўзбекистоннинг барча олий ўқув юртларида таълимнинг ҳамма йўналишларига жорий этилди.

Энг муҳими, ҳарбий қисм қўмондонлиги тавсияномасига эга бўлган, бироқ тест синовида керакли балл тўплай олмаган бундай абитуриентлар ўқишнинг педагогика, қишлоқ хўжалиги, табиий-илмий ва техник йўналиши бўйича олий таълим муассасаларига тўлов-контракт асосида қабул қилиниши белгиланди.

Бу имтиёзларнинг барчаси ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга ўз қобилиятларини рўёбга чиқариш, бутун дунёда технологик жараёнлар тобора ривожланиб бораётган бир пайтда умумий хавфсизликни таъминлаш ва ривожланган дунё давлатлари қаторида муносиб ўрин эгаллашга қаратилган.

**Д.ХАЛИЛОВ,**
**ҳуқуқшунос**

Detektiv hikoya



# Тақдир зарбалари

**«Билярд шарчаларини тасаввур қил, уни кий билан туртишинг билан ҳаммаси тирқираб кетади. Сен мўлжалга олган шарнинг бундан кейинги ҳаракати бошқа шарларга, стол деворларига туртилиш ва урилишларсиз амалга ошмайди. Инсоннинг умр йўлини ҳам тақдир зарбаларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Ҳаётингдаги зарбалар ва туртилишлар сени ўзинг кутмаган жойларга йўллашига ишонавер...».**

**(Мулло Иосифнинг Графга насиҳатидан)**

(Давоми. Боши аввалги сонда).

Яқинлашишим билан уқулоғимдан чўзиб дўппослай кетди. Мен ҳеч нарсадан бехабарлигимга ишонгачгина ҳар эҳтимолга қарши итнинг катагига қамаб қўйишга қарор қилди. Кучук бир ғингшиб олди-да, менга эътибор бермади. Ноилож ётавердим. Катакдан қўланса ҳид анқир, жой торлигидан мен итни деярли қучоқлаб ётардим. Ташқари изиллаган совуқ бўлганлиги учун итнинг тафти ёқарди. Жониворни қамраб олган бургалар мени безовта қила бошлади. Шу тариқа тонгни қандай оттирганимни билмадим. Бир пайт ўгай онам келиб мени озодликка чиқарди. Шу тариқа у билан ўртамизда зиддият бошланди. Шу даражада безиллаб қолдимки, уйга иложи борича келмай қўйдим. Аксига олиб синфдошларим ҳам ўгай онам билан ўша кимсанинг хатти-ҳаракатларини сезиб юришган экан. Мени тинмай калака қилишарди. Охири мактабга бормай қўйдим. Кўчадаги ҳаёт мени ўзига бутунлай ром этди. Жиззах шаҳри марказидаги «Кўк бозор»да ҳаммоллик қила бошладим. Бу пайтда анча улғайиб, оқ-қоранинг фарқига бориб қолгандим. Қишлоғимиз шаҳарга яқин бўлганлиги учун бозорга бориш мен учун осон эди. Ҳаммолнинг топгани нима ҳам бўларди? Бир куни мендан беш-олти ёш катта бир йигитнинг ҳаракатлари эътиборимни тортди. Бошига кепка кийганлиги учун юзи деярли кўринмасди. Унинг ўнг қўлидаги салофан пакет бир қишлоқи одамнинг елкаси оша тушиб турар, айни пайтда йигит ўзини нимадир харид қилмоқчидек тутарди. Пакетнинг ичкари тарафида эса унинг бармоқлари иш билан банд эканлиги ташқаридан разм солган одамга сезилиб турарди. Йигит ишини битирди-да, секин суғурилиб бу ердан кета бошлади. Бир пайт у менинг кузатиб турганлигимни сезди. Кўзи билан имо қилиб четга чақирди. Қизиқсиниб ортидан бордим. Йўл-йўлакай у яна бировнинг орқа чўнтагига қўлини сукди. Илиниб чиққан паспорт билан ҳарбий билетнинг орасини зудлик билан титиб, пулларни олди-да, кетаётган йигитнинг ортидан бориб ҳужжатларини секингина ерга ташлади.

– Оғайни, документларинг тушиб кетди, — деди у мутлақо хотиржам товушда ва йўлида давом этди. Ҳалиги йигит эса бу устамонга шошиб миннатдорчилик билдирди. Бунақа лақма одамни биринчи кўришим эди. Мен киссавурнинг изидан бордим. Исми Вали экан. Бозордан четга чиқиб кетдик.

— Бировга айтсанг башарангни кесиб кетаман, тушундингми? — дўқ қилди у. Очиғи, у чўнтаккесарлик қилаётганида мендан нима учун унчалик қўрқмаганлигига ҳайрон бўлгандим. Сукут сақлаб унинг дўқидан унчалик қўрқмаганлигимни намойиш қилдим. У чўнтагимга бир даста пулни тиқиб қўйди ва бир нарса дейишга улгурмасимдан ғойиб бўлди. Йўлда кетар эканман, ўзимча чўнтагимдаги пулга қизиқдим. Санаб кўрсам бу пулни ҳаммоллик қилиб уч ойда топишим мумкин экан. Эртасига пулни унга қайтариб бермоқчи бўлдим. Кўнглим хижил бўлиб уйга яқинлашар эканман, остонада бир пайтлар итнинг катагига қамалишимга сабабчи бўлган таниш башарани кўриб қотиб қолдим. У бемалол отам билан суҳбатлашиб турар, қўлида эса эски брезентга ўралган нимадир бор эди. У мен билан хотиржам кўришди. Шунда унинг оғзидаги сариқ тишлар ялтираб кетди. Отам унинг ўгай онам билан қилиб юрган ишларидан бехабарлиги тобора жаҳлимни чиқарарди. Улар биргаликда ҳалиги нарсани олиб ҳожатхона томон юришди. Брезентни очишганида унинг ичидаги қирқма милтиққа кўзим тушди. Ёнида тўрт-беш қути ўқ ҳам бор эди. Буларни пакетга ўрашди ва ҳожатхонага ташлаб юборишди. У бетамиз уйга тез-тез келиб турадиган бўлди. Бу орада киссавурга шогирд тушиб қолганимни ўзим ҳам билмай қолдим. У мени шафқатсизликка ўргатди. Дийдам қотиб, уйимизга келадиган ўша бетамизга нисбатан нафратим кучайди. Мен унга қарши ҳеч нарса қила олмаслигимдан афсусланардим. Ўгай онамни тинчитсам, отамнинг ғурури учун ўч олган бўламан деб ўзимни ишонтирдим. Кечаси киши билмас ҳожатхонадан қирқма милтиқни тортиб олдим. Ўн тўрт ёшли йигитча қўлида илк бора қурол тутишини тасаввур қилаверинг. Лекин менга аламзадалик куч бериб турарди. Эртасига ўзимни бозорга кетгандек кўрсатиб, оғилга кириб олдим. Уйда онамнинг ўзи ёлғиз қолди. Дағ-дағ титраб орқа тарафдан бордим. У менинг шарпамни сезиб бурилди ва қўрқувдан қотиб қолди.

— Шариф... — дейишга улгурди холос. Қўрққанимдан милтиқнинг тепкисини босиб юбордим. Ўгай онам чалқанчасига йиқилар экан, оғзи қийшайиб кетди. Шунда деворга тутилган бўзга кўзим тушди. Ўқ ўгай онамнинг баданини ўпириб кетганини атрофга сачраган қондан билиш мумкин эди. Даҳшатга тушиб, қуролни ташлаб қочдим. Лекин узоқдан ўша бетамизнинг шарпасига кўзим тушди. Саройга бекинишга мажбур бўлдим. У уйга кириб, бирпасдан кейин ранги афтодаҳол қайтиб чиқди. Қўлида милтиқ бор эди. Югуриб бориб милтиқни яна ҳожатхонага ташлади. Афтидан у ўзининг ҳам бу жиноятга алоқаси борлигини яширмоқчи эди. Кейин яна уйга кирди ва чўнтагига нимандир солаётган ҳолда югургилаб ҳовлидан чиқиб кетди. Мен ярим соатлардан кейин йўлга чиқдим. Вали бугун нега ишга кеч келганлигимни суриштирди. Ҳамма гапни айтиб бердим. У мени бекинишга мажбур қилди. Шу тариқа Зоминнинг узоқ тоғли қишлоғига йўл олдим. Уч-тўрт кун ўтгач у мендан хабар олиш учун борди. Маълум бўлишича, мендан ҳеч ким шубҳаланмабдиям. Ўгай онамнинг қўлидаги узук ва қулоғидаги тилла зираклари суғурилган ҳолда топилганлиги учун уни ўша келиб-кетиб юрадиган кимса ўлдирганлиги ҳақида гап тарқабди. Отам ҳам қотилни ўша деб ҳисоблашини одамларга айтибди. Хуллас, иккаламизнинг режамизга мувофиқ мен яна бироз вақт ўтгач уйга қайтишим мумкин деган қарорга келдик. Чунки отам ҳам мени зўр бериб қидира бошлабди. Уйга қайтиш анча ғаройиб бўлди. Ҳамма мендан кўнгил сўрарди. Таъзия изҳор қиларди. Шунда одамлар ўгай онамнинг менга муносабатидан бехабарлигини тушуниб, ўзимга ачиниб кетдим. Бир инсонга зулм ўтказилсаю, одамлар бунга лоқайд қарашса, алам қилмайдими... Ўша кимса эса изсиз кетди. Уни қотил сифатида узоқ қидиришди, лекин нафи бўлмади. Шу тариқа кунлар ўтаверди. Отам энди анча ўзгариб қолди. Ичкиликни ташлагач, далада ишлай бошлади. Лекин бизнинг Вали билан ишларимиз юришмай қолди. Мен энди бировларнинг тақдирига бефарқ бир одамга айлангандим. Ўгай онамнинг қонли қиёфаси кўз олдимдан кетмасди. Икки йил ҳеч қаерда ишламадим. Мактабни ташлаганлигим учун уйга мактаб директори участкавой билан келиб жанжал қиларди. Мен эса мактабга боришдан бош тортардим. Чунки бошқа болаларга ўхшаб бўйнимда қизил галстук билан пионер бўлиб юришимни тасаввур қилолмасдим. Чунки мен англаб етган дунё мутлақо бошқача қурилганди. Ким зўр бўлса, кимнинг зари бўлса, ўшанга ҳамма қуллуқ қиларди. Вали ҳар-ҳар замонда хабар олиб турар, Эркин олдингидек мен билан дўст эди. Биз энди улғайиб, ўн етти ёшга қадам қўйгандик.

Бу орада Валида бир режа туғилиб қолди. У мени қирқма милтиқ билан одамларни қўрқитиб пулини олишга ундай бошлади.

### «ОВ» ИШТИЁҚИ

Қуролни яна қайтиб олар эканман, қўлларим қалтираб кетди.

— Буёққа бер, қўрқоқ, — деди Вали ўзини ботир чоғлаб. Шунда у мени ҳайрон қолдириб чўнтагидан бир пачка ўқ чиқарди. Милтиқни ўқлаб тайёрлаб қўйди. Уни отилмайдиган қилиб яхшилаб брезентга ўради. Бошқа тумандаги узоқ қишлоққа бориш учун бизга улов керак эди. Шунда Вали яна бир «ҳамкасби» бўлмиш «кал»ни эслаб қолди. Уни кал деб аташларига сабаб, бошининг орқа тарафида сочи касаллик туфайли ғалати тўкилганди. Хуллас, у бизга жон-жон деб қўшилди. «Урал» мотоциклида уч киши йўлга чиқдик. Шу тариқа чўлга чиқиб кетдик. Бир қишлоқдан унча узоқ бўлмаган жойда, экиндан бўшаган кенг далада каттагина отарни боқиб юрган ёшгина болага кўзимиз тушди. Уни қўрқитиб, қўй ўмариб кетмоқчи бўлдик. Вали билан Карим кал мотоциклни тўхтатиб, бошларига қора ниқоб кийиб олишди. Мен эса яқинроқдаги зовур бўйига пойлоқчиликка қолдирилдим.

Атрофга назар солдим. Шу пайт варанглаган ўқ овози зовур четидаги бақани пойлаб турган илонни насибасидан маҳрум қилди. Зовур четидаги юлғунзорда турган чумчуқ галаси кўкка кўтарилди. Кўп ўтмай Вали ва Каримнинг этиклари остида эзғиланган ўт поялари қисирлаб синди. Нарироқда сувга нимадир шалоплаб тушди. Шундагина бояги болага кўзим тушди. Унинг боши мажақланиб кетганди. Кўзи очиқ қолган болага нима учундир ачинмадим ҳам. Шундагина одам қонидан қўрқмай қўйганлигимга узил-кесил ишонч ҳосил қилдим. Биз иккита қўйни мотоциклга босдик ва тезда бу ердан кетдик.

— Ўзи муомалага кўнмади. Бер дедик, бермади. Милтиқни бошига тирасам ҳам қўрқмади. Бор-е деб тепкини босиб юбордим, — деб мақтанди Вали «қароргоҳ»га келганимиздан кейин. Қўйнинг биттасини сўйдик. Биттасини эса эртасига Карим бир танишига пуллаб келди. Пулни «арра» қилганимиздан кейин бу ишга мазахўрак бўла бошладик.

Бир куни мен, Вали ва Карим «Тико» операциясини бошладик. Вали биттасини кўз остига олиб қўйган экан. Кечга яқин учаламиз узоққа шошилаётган одамдек қизил «Тико»ни кира қилдик. Вали йўл бошлаб кетди. Мен билан Карим орқага жойлашиб олгандик. Узоқ даладаги қанақадир шийпонга кириб бордик. Шийпон бўм-бўш эди. Шунда ҳайдовчи шубҳаланиб қолди. Ортга қайтишни талаб қила бошлади. Вали менга имо қилди. Шунда мен унинг орқа тарафидан ингичка сим билан бўғиб олдим. У типирчилаб-типирчилаб охири жим бўлиб қолди. Учовлон уни шийпон яқинига кўмиб ташладик. Пухталикни қарангки, Вали бу ерга уч кун олдин келиб, кетмон қолдириб кетган экан. Шу тариқа машинали бўлиб қолдик. Унинг номерини олиб, ўрнига ҳарбий комиссариатга тегишли эски, қаровсиз «УАЗ»дан ўғирланган номерни қўйдик. Шу кетишда Янгийўлга йўл олдик. Ичкарида фуқароча кийиниб ўтирган бўлсак-да, бизни ҳарбийлар деб ўйлашди чоғи, ҳеч бир постда тўхтатишмади. Янгийўлда Валининг қариндоши бизни кутиб олди. У пайвандчи экан. Бир кечада машинани бўлак-бўлак қилиб ташлади. Запчастларни пуллашни ҳам зиммасига олди. Икки кунда мўмайгина пулга эга бўлиб, ортга қайтдик. Шунда ўзимизнинг машинамиз бўлишини ўйлаб қолдик. «Тико» учун олинган пулларга яхшигина «нул олти» олиш мумкин эди. Якшанба куни мен билан Карим машина бозорига чиқдик. Яхшилаб таъмирланган машина топиш унчалик қийин бўлмади. Бозордан нотариус томон йўл олар эканмиз, «Жигули»нинг эгаси қизил «Тико» йўқолганини, уч-тўрт киши бозорни қараб юрганини гапириб қолди. Биз ўзимизни ҳеч нарса билмайдигандек тутдик.

Машина ҳайдашни асли Валига чиқарган. Бизга дунёнинг у четтаси ҳам гап бўлмай қолди. Майда-чуйда иш билан шуғулланиш бизни қониқтирмасди. Ора-орада босқинчилик қилишни ўйлаб қўярдиг-у юрак бетламасди. Лекин бир кеча эр-хотин судхўрларни ўлдириб, тунаб кетдик. Яна аллақанча вақт ўша топганимизни еб-ичиб юрдик. Шунда Вали ҳар доимгидек янги бир режани ишлаб чиқди. Биз пойтахтга йўл олдик. Тошкентнинг қаеридадир Каримнинг бир оғайниси поликлиникада врач бўлиб ишлар экан. Айни пайтда таътилда бўлишига қарамай, уни топиб, биргаликда кафега кирдик. Вали усталик билан унинг калитини чўнтагидан олиб қўйди. Мен тезда бориб нусха ясаттириб келдим. Калитни эса эгасининг чўнтагига сездирмай солиб қўйдик. Операциянинг қолган қисмини пишитиб, эртасига машина бозорига кирдик. Айни якшанба куни бўлганлиги учун одам кўп эди. Вали машинанинг номерини ечиб олиб қўйди. Машина ярқ этиб кўзга ташланганлиги учун бир харидор жазман тармашди.

— Уч минг доллардан бир тийин кам эмас, — деди Вали дадиллик билан. — «Оформление» ҳам ўзларингдан...

Харидор бирпас оғриниб турди-да, кейин рози бўлди. Режага мувофиқ биз расмийлаштириш учун поликлиникага келдик. Харидор билан шу ерда қолдим. Вали нотариусни «олиб келиш» учун кетди. Мен худди шу ерда ишлайдиган одамдек хонага кирдим. Поликлиникада ҳеч ким йўқ эди. Қоровул ҳам кўринмасди. Мен хонамга кириб оқ халатни кийдим. Харидорни ўтқазиб, у-бу қоғозларни титиб ўтирдим. Ишқилиб касалликдан сўраб қолмаса деб турибман. Ахир дўхтур эмаслигим аниқ бўлиб қолса, операция барбод бўларди. Мен нотариус келгунча пулни санашни таклиф қилдим. Харидор рози бўлиб менга долларларни санаб берди. Паспортини ҳам қўшиб олдим. Унга чой қуйиб бердим. Яхши машинали бўлганлигини айта туриб, тўсатдан ҳожатхонага «боргим келиб қолди». Ўрнимдан тураётиб нотариус кечикаётганлигидан ташвишланаётганлигимни билдирдим. Телефоним тўсатдан жиринглади. Вали кўчадаги автоматдан телефон қилаётган экан.

— Нотариусни топдим. «Икки бекат наридан» телефон қилаяпман. Ҳозир бланкаларни ксерокопия қилаяпмиз. Хавотир олманглар, тезда борамиз...

— Яхши, тезроқ келинглар, ҳали уйга бориб домкрат билан насосни ҳам олиб беришим керак, — дедим мен жавобан олдиндан келишилган жумлаларни айтиб. Бу гапларим «пул менда, тайёрланинглар» деган маънони билдирарди. Ҳар эҳтимолга қарши иккинчи вариант ҳам кўзда тутилганди: харидорни гумдон қилиш. Агар харидорнинг ёнида шериги бўлса, уни Вали нотариусни олиб келиш учун ҳамроҳликка олиб, йўлда тинчитиши зарур эди. Лекин иш силлиқ битаётганди. Мен улар келгунча ҳожатхонага чиқиб келишим зарурлигини айтдим. Харидор эллик ёшлардаги мўйсафид бўлганлиги учун бу гапимга лаққа учди. Мен орқа эшикдан чиқиб пана йўлдан тезда катта йўлга чиқиб олдим. Буёғига вақтдан ютиш лозим эди. Шубҳа уйғотмайдиган қилиб тез одимлаб борар эканман, ортимга қарамаслик учун барча иродамни ишга солишга тўғри келди.

(Давоми келгуси сонда).

Саидмурод ШЕРНАЗАРОВ,
Абдураҳмон МУСТАФОҚУЛОВ




## Бош вазирнинг соғлиғи

Исроил Бош вазири Ариэл Шароннинг аҳволи тобора яхшиланмоқда. Маълумки, Шарон 4 январ куни кенг миқёсли инсулт ташхиси билан «Хадасса» клиникасига ётқизилган эди. Шундан буён у уч марта нейрохирургик операция қилинди. Операциялардан сўнг Шарон сунъий кома ҳолатига туширилганди. Душанба куни эса шифокорлар унинг саломатлигини ўрганиб, ижобий томонга ўзгариш борлигини қайд этдилар ва шу кундан бошлаб сунъий кома ҳолатидан олиб чиқишга қарор қилишди. Ариэл Шароннинг шифохонага ётқизилиши боис Исроил сиёсатида ҳам анча ўзгаришлар юз бериши кутилмоқда. Мамлакат парламентида у ҳолат атрофлича ўрганиб чиқилиб, агар Шароннинг соғлиғи Бош вазир лавозимини бажаришга йўл қўймаса, ҳукуматда жиддий ўзгаришлар рўй бериши аниқлиги таъкидланди.






## Муроса зарур

Афғонистон президенти Ҳамид Карзай айни дамда яширинча фаолият олиб бораётган «Толибон» ҳаракати раҳбари мулла Умарга мурожаат этиб, мамлакат ҳукумати билан муросага келишга чақирди. Унинг таъкидлашича, Афғонистонни тиклаш йўлида барча афғонлар бирлашиши зарур. Мамлакатда содир этилаётган террорчилик ҳаракатлари ва бошқа салбий ҳолатларга чек қўйиш даркор. Шунингдек, президент Карзай Афғонистонда наркотик моддаларнинг ишлаб чиқарилишига ҳам узил-кесил барҳам бериш лозимлигини қайд этиб, бу курашда мамлакатга халқаро ҳамжамиятнинг ёрдами кераклигини ҳам айтиб ўтди.



## Фожеа сабаби — ёнғин

**Душанбеда жойлашган ногирон болалар мактаб-интернатида фожеа рўй берди. Якшанбага ўтар кечаси интернат биносида ёнғин юз берган. Ўша вақтда бинода 92 та бола бўлган, ёнғин оқибатида уларнинг 13 таси қурбон бўлган, 60 таси турли даражада жароҳат олиб, маҳаллий шифохоналарга келтирилган. Дастлабки маълумотларга кўра, ёнғин электр тизимидаги носозлик туфайли келиб чиққан. Бинонинг деразаларида темир тўсиқлар бўлгани сабабли болаларни қутқариш анча қийин кечган. Мазкур интернатда онги ривожланмаган, ҳаракат тизимида нуқсони бор ва асаб касалликларига чалинган болалар тарбияланган.**

## Ишлар яна жонланади

***Эрон атом энергетикаси вазирининг ўринбосари Муҳаммад Саидийнинг таъкидлашича, Теҳроннинг ядро соҳасидаги изланишларни олиб боришидан асосий мақсади табиатнинг бу қудратли кучини тинчлик йўлида ишлатишдир. Эслатиб ўтамиз, бундан икки йил аввал МАГАТЭ вакиллари Эронда ядро қуролини ишлаб чиқариш дастури жорий этилган деган тахминлар билан мамлакатдаги ядро объектларини ёпиб қўйган эди. Икки йилги танаффусдан сўнг бу борадаги ишлар яна жонланиши кутилмоқда.***

## Ўз кучида қолди



*АҚШ федерал суди Марта Стюартнинг иши бўйича чиқарилган ҳукмни кучида қолдириб, Стюарт хонимни оқлаш борасидаги апелляцион важларни асоссиз деб топди. Таниқли журналист Марта Стюарт ҳамда биржада фаолият кўрсатган собиқ брокер Питер Баканович 2001 йилда «IMClone Systems» компаниясининг 4 мингта акциясини ҳукумат баёноти эълон қилинмасдан олдин сотиб юборганлар. Бир неча кундан сўнг ҳукумат мазкур компания фаолиятини кескин танқид остига олиб баёнот берган. Бундай ўзгаришлардан сўнг компания акцияларининг нархи бирданига пасайиб кетган. 2004 йилгача чўзилган суд жараёнидан сўнг журналист хоним ҳамда собиқ брокер маълумотларни яширганликда, сохта кўрсатма берганликда айбланиб, беш ойлик қамоқ ва беш ойлик уй қамоғига ҳукм қилинган. Жазони ўтаб бўлгач, Марта Стюарт федерал апелляция судига мурожаат этиб, уларга нисбатан қўлланган жазони бекор қилиб, оқлашни сўраган. Лекин бу сафар ҳам судялар товламачилар қилмишига яраша жазосини олган деб топди.*

## 25 йилдан сўнг



Туркия суди 1981 йилда Рим папаси Иоанн Павел иккинчининг жонига қасд қилган Меҳмет Али Агжани озод этиш тўғрисида қарор чиқарди. Судяларнинг фикрига кўра, маҳкум жазосини ўтаб бўлган. Маълумки, ушбу суиқасддан сўнг Италия суди Агжани умрбод қамоқ жазосига ҳукм қилганди. Лекин 20 йил қамоқда ўтиргач, 2000 йилда жиноятчи Италия президенти томонидан авф этилган ва Туркияга экстрадиция қилинган. Туркияда Агжа яна қамоққа тушади. Бу сафар у журналистни ўлдиргани учун 10 йилга ва 1979 йили Истамбулдаги фабрикалардан бирига ўғирликка тушгани учун 7 йилга озодликдан маҳрум этилади. 2002 йилга келиб, унга нисбатан амнистия жорий этилиши ҳақида хабарлар тарқатилганди. Мана, 4 йил ўтиб, бу гаплар ҳақиқатга айланди.



## Чегара билмас касаллик

Айни дамда шифокорларни чуқур ўйга толдираётган парранда гриппи турли жойларда кузатилмоқда. Бу сафар мазкур касалликка чалинганлар Туркия пойтахти Анқарада аниқланди. Аввалроқ парранда гриппи мамлакатнинг жанубий қисмида кузатилганди. Ўтган ҳафтанинг ўзида ушбу касалликдан 3 нафар бола оламдан ўтган. Бир қатор давлатлар бош санитария шифокорлари Туркияга сафарга бормоқчи бўлганларни маълум муддат бу қарорларидан воз кечишга чақирган.

## Хуруждан қўрқиб



Иорданияда Канада ҳамда Австралия элчихоналари ёпилди. Мазкур давлатлар вакиллари ушбу ҳолатга изоҳ берар экан, Иорданияда сўнгги вақтда содир этилган террористик ҳаракатлар уларни чуқур ўйга толдирганини ва келажакда уларга қарши ҳам хуружлар амалга оширилиши мумкинлигидан хавфсираб шундай қарорга келганликларини баён этдилар. Таъкидлаш кераккки, бундан бир кун аввал Буюкбритания элчихонаси фаолиятини тўхтатган эди. Хабарингиз бўлса, икки ой аввал мамлакат пойтахтида жойлашган учта меҳмонхонада содир этилган террорчилик ҳаракатлари натижасида 50 киши ҳалок бўлган, юзлаб кишилар жароҳатланган.

## Ҳимояга муҳтож



Журналистларни ҳимоя қилиш халқаро ташкилоти эълон қилган баёнотда айтилишича, 2005 йилда мазкур касб эгаларидан 47 нафари вазифасини адо этаётган вақтда ҳалок бўлган. Улардан 22 таси Ироқда вафот этган. Иккинчи ўринда Филиппин турибди, бу ерда ўтган йили 4 нафар журналист ўлдирилган. Ироққа қайтсак, уруш бошланганидан буён бу ерда 60 нафар репортёр бевақт ҳаётдан кўз юмган. Россияда эса ўтган йили қурбон бўлган журналистлар сони 2 тага етди. 2005 йил май ойида Азов денгизи яқинида 21 ёшли журналист Павел Макеевнинг жасади топилган. Июннинг охирида эса Махачқальада Муҳаммадзоҳид Ворисов қотиллик қурбони бўлган. Ҳозирча қотиллар озодликда юрибди.

## Довюрак француз

***Ироқда маҳаллий жангарилар гаровга олган француз муҳандиси асирликдан қочишга муваффақ бўлди. Аввалроқ, жангарилар французни АҚШ ҳарбийларининг блокпости яқинида машинадан тушириб қолдиришган, деган хабарлар тарқатилган эди. Бироқ, буларнинг барчаси уйдирма эканлиги маълум бўлди. 52 ёшли Бернар Планш уни гаровда ушлаб турган шахслар французни хонада ёлғиз қолдирганликларидан фойдаланиб қочган. Планш югура-югура АҚШ ҳарбийлари назорати остидаги блокпостлардан бирига етиб келган. Довюрак француз ҳарбийларни, уни гаровда ушлаб турган шахсларнинг изидан тушиб ҳибсга олишга кўндирган. Бироқ, жангарилар ушланганми, йўқми аниқ маълумотлар тарқатилмаган.***

Internet хабарлари асосида **Д.ЭШМУРОДОВ** тайёрлади.

## Қотил-халоскор



29 кишини ўлдирган қотил буйрак донори бўлишга қарор қилди. 45 ёшли Чарлз Каллен 16 йил давомида АҚШнинг бир нечта шифохоналарида санитар бўлиб ишлаган. Шу вақт мобайнида у оғир касталикка чалинган 29 нафар шахсни томирига заҳарли моддаларни юбориш йўли билан ўлдирган. Қилган жиноятларига изоҳ берар экан, у бу инсонларнинг қийналаётганини кўриб азобланганини ва муқаррар ўлимни тезлаштирганлигини таъкидлаган. Бу турдаги жиноятчилар штат қонунларига биноан ўлим жазосига маҳкум этилади. Бироқ жиноятчининг айбига тўлиқ иқрор бўлгани ва тергов давомида ҳамкорлик қилгани боис ўлим жазоси умрбод қамоқ жазоси алмаштирилган. Қотил Нью-Жерси штатидаги қамоқхонада, мана икки йилдирки, жазосини ўтамоқда. Бир неча ҳафта олдин Каллен бир танишининг қариндоши касаллигини ва агар унга соғлом буйрак ўрнатилмаса ўлишини билиб қолади. 29 кишининг бошини еган қотил умрининг охирида яхшиликка қўл уриб, ўз хоҳиши билан буйрагини ўша касалга донор сифатида беришга қарор қилди.

## Ўтганларнинг охирати обод бўлсин!

Республика Бош прокуратураси жамоаси Молия-иқтисод бўлимининг II тоифали мутахассиси Галина Понамаревага онаси
**Надежда ЧУПРОВА**нинг
вафоти муносабати билан таъзия изҳор қилади.

Республика Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖҚК департаменти жамоаси бўлим катта суриштирувчиси Сайдулла Аҳмедовга отаси
**Нурулла АҲМЕДОВ**нинг
вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Республика Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖҚК департаменти жамоаси Сирдарё вилоят прокуратураси ҳузуридаги СВОЖҚК бошқармаси матбуот гуруҳи катта инспектори
**Абдумалик СИНДОРОВ**нинг
бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Buni umr derlar

**Ҳалима Муҳиддинованинг ҳаёти ниҳоятда ёркин ва сермазмун. Меҳнат фаолиятини ўтган асрнинг 30-йилларида жамоа хўжалиги котибалигидан бошлаган опа Ўзбекистон Олий судининг раислигигача бўлган катта ҳаёт йўлини босиб ўтди.**

**Ҳуқуқшунос-журналист Шохруҳ Акбаров Ҳалима Муҳиддинованинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида китоб ёзди. Қуйида шу асардан парчани эътиборингизга ҳавола этамиз.**



# Ҳалима Муҳиддинованинг феномени

1916 йил 1 январ. Шу куни Наманганнинг Ястепа қишлоғида яшовчи Муҳиддин ака ва Омина опа хонадонида қиз туғилди. Унга Ҳалима деб исм қўйдилар. У оилада тўртинчи фарзанд бўлиб, Нуриддин деган акаси, Ойшахон ва Ҳанифахон деган опалари бор эди. Муҳиддин ака деҳқончилик, Омина опа эса тикувчилик қилар эди. Улар фарзандларининг ўқимишли бўлишларини, ўзлари эришмаган яхши кунларга фарзандлари эришишини орзу қилишар эди.

— Ўғил-қизларимнинг ҳаммасини ўқитаман, — дер эди Муҳиддин ака даладан келиб, фарзандларини эркалар экан. — Кўнглим сезиб турибди, айниқса Ҳалима қизим зўр одам бўлади, мана кўрасан!

Ҳаёт ҳаёт экан-да, Ҳалима бир ёшга тўлганда ота тўсатдан вафот этди. Рўзғор тебратишнинг бутун ташвиши онанинг зиммасига тушди.

Тўғри, Омина опа ҳам тақдирнинг кутилмаган зарбасидан бироз гангиди, болаларининг келажагини ўзлари орзу қилганидек таъминлай олмаслигини ўйлаб, саросимага ҳам тушди. Аммо қийинчиликка таслим бўлмади. Болаларини соғ-саломат вояга етказди. Нуриддин болалик ва ўсмирлик йилларини ортда қолдириб, сингилларига ғамхўрлик қила оладиган йигитга айланди. Ойша балоғат ёшига етган бўлса, Ҳанифа ва Ҳалима ҳам ўсмирлик палласига қадам қўйди. Она фарзандларини бирин-кетин қишлоқда очилган бошланғич мактабга ўқишга бера бошлади.

Ҳалима акасидан кейин бошланғич мактабни аъло баҳолар билан битирди. Нуриддиннинг ҳам, Ҳалиманинг ҳам бирдан-бир орзуси ўқишни давом эттириш эди. Лекин яқин ўртада ўрта мактаб йўқ, ўқимай деса шуурида бошланғич таълим очган янги олам уни билим олишга тўхтовсиз даъват этарди. Шундай кунларнинг бирида Нуриддин кўчадан хурсанд бўлиб келди.

— Фарғонада икки йиллик ўқитувчилар институти очилибди, хоҳловчиларни ўша институтга юборишар экан. Мен ҳам борсам девдим.

Онанинг ажин оралаган юзига табассум югурди:

— Сен ўқийман десанг, мен йўқ дейманми, жон болам?

Ҳалиманинг акасига ҳаваси келди.

— Ака, мен ҳам ўқишга борсам бўладими?

— Бўлади! Бораман десанг, сени ўзим билан олиб кетаман. Институтнинг тайёрлов бўлими ҳам бор экан. Фақат онам нима дер экан?

Онанинг кенжа қизига меҳри бошқача эди. Ўқишга иштиёқи кўксидан вулқондек отилиб турган пайтда унга қаршилик қилиш тўғри эмасди. Шуларни ўйлаб Ҳалиманинг ўқишга боришига оқ фотиҳа берди. 1931 йилнинг ёзида ака-сингил Фарғонага йўл олишди. Нуриддин ўқитувчилар институтига, ўн беш ёшли Ҳалима эса тайёрлов бўлимига қабул қилинди.

Бироқ ҳаёт уларни яна бир синовга дучор этди. 1932 йилга келиб ҳукуматнинг қишлоқ хўжалигидаги маъмурий буйруқбозлик сиёсати туфайли бутун мамлакатда очарчилик бошланди. Натижада ака-сингил олти ой таълим олишгач, уйга қайтишга мажбур бўлишди.

1935 йили Уйчи тумани ташкил қилиниб, Ҳалиманинг ўқимишлилигини ҳисобга олиб туман прокуратурасига котибаликка таклиф этишди. У туманда ишлаб юрса ўқиш имконияти туғилиб қолиши мумкинлигини ўйлаб, бу таклифга бажонидил рози бўлди. Прокуратурада ишлар экан, қонуннинг кишини саодатга элтувчи куч ва қудратини илк бор ҳис қилди.

Кунларнинг бирида акаси яна бир гап топиб келди:

— Яқинда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар учун ходим тайёрлайдиган бир йиллик юридик мактабга ўрин берилар экан. Шунга сенинг номингни ёздириб келдим.

Ҳақиқатан ҳам орадан кўп вақт ўтмай Тошкентга, юридик мактабга ўқиш учун Ҳалимага йўлланма берилди.

1936 йилда Ҳалима Муҳиддинова Тошкент юридик мактаби талабаси бўлди. У қисқа вақт ичида илғор талабалар сафидан ўрин олиб, кўпчиликнинг эътиборига тушди. Барча фанларни аъло даражада ўзлаштирган бир гуруҳ талабалар бир йилдан сўнг ишга юборилди. Улар орасида Ҳалима ҳам бор эди. У Наманган шаҳар прокурорининг ёрдамчиси этиб тайинланди. Шаҳар прокурори рус киши эди. Ҳ.Муҳиддинова ғайрат билан ишга киришди. У судларда давлат айбловини қувватлар, моҳиятидан келиб чиқиб ҳар бир ишни адолатли ҳал қилишга уринар эди. Унинг тиришқоқлиги шаҳар прокурорига маъқул тушди. 1938 йилда бутун Фарғона водийси бирлашиб, Фарғона вилояти ташкил этилди. Наманган шаҳар прокурори эса мазкур вилоят прокурори этиб тайинланди. У Ҳ.Муҳиддиновани яна ўзига ёрдамчиликка таклиф қилди.

Вилоят прокурорининг ёрдамчиси бўлиб ишлаб турганда Ҳ.Муҳиддиновани Тошкентга уч ойлик малака ошириш курсига юборишди. Ўқиш муддати тамом бўлгач, уни республика прокуратурасига чақиртиришди.

— Биз сени Самарқанд вилоят прокуратураси ихтиёрига, туман прокурорининг ёрдамчиси лавозимига ишга юбормоқчимиз, — деди кадрлар бўлимининг бошлиғи.

— Нима учун Самарқандга? Ахир мен малака ошириш курсига Фарғонадан келганман. Мени яна ўша ишга жўнатинг.

— Йўқ! — гапни қисқа қилди кадрлар бўлимининг бошлиғи.

Ҳалима Уйчи тумани прокурори халқ душмани сифатида судланиб, отувга ҳукм қилинганидан кейин унинг қўлида маълум муддат котиба бўлиб ишлагани боис эски ишига қайтиш йўллари бекилганини тушуниб, юраги сиқилди.

Самарқандни ҳали ҳеч қачон кўрмаган, эндигина йигирма бир ёшга қадам қўйган қиз учун у ерларга бориб ишлаш ниҳоятда қийин кўринди. Шунинг учун бор иродасини тўплади-да, кадрлар бўлимининг бошлиғига тик қараб деди:

— Мен Самарқандга бора олмайман. Мени Тошкент вилоятидаги туманларнинг бирига ишга жўнатишингизни сўрайман.

Бўлим бошлиғи ундан бундай «ўзбошимчалик»ни кутмаган эди. Ўрнидан ирғиб туриб бақирди:

— Ундай бўлса, аризангни ёз-да, кўзимга кўринма.

Дили хуфтон бўлган Ҳ.Муҳиддинованинг кўзларига ёш қалқди. Ўрнидан шаҳд билан туриб, йўлакка чиқди. У бир неча дақиқадан сўнг ўзига келиб, бир неча қадам нарида республика прокурорининг қабулхонаси борлигини кўрди ва беихтиёр қабулхона сари дадил қадам ташлади.

— Мен Ҳалима Муҳиддиноваман, малака ошириш курсини тугатдим, унга айтадиган жуда муҳим ишим бор, айтинг, мени қабул қилсин, — деди республика прокурорининг ёрдамчисига.

У кадрлар бошқармасида бўлиб ўтган воқеани айтиб берди. Республика прокурорига унинг гапини таржима қилиб беришгач, у бироз ўйланиб турди-да, сўради:

— Нима учун Самарқандга ишга боришдан бош тортаяпсиз?

— Мен Тошкент юридик институтининг кечки ёки сиртқи бўлимига ўқишга кириб, олий маълумот олиш ниятидаман. Самарқандга борсам, бу ниятим амалга ошмай қолиши мумкин.

Республика прокурори кулди ва кимнидир чақиришни буюрди. Бироздан сўнг унинг кабинетига барваста бир одам кириб келди. Прокурор унга Ҳ.Муҳиддиновага иш бериб, билим ва тажрибасини синаб кўриш тўғрисида топшириқ берди.

Уни бир хонага бошлаб кириб, стулга ўтқазишди, сўнг бурчакдаги ранги униқиб кетган китоб жавонида тахланиб ётган жиноят ишларидан йигирматачасини олиб келиб, столнинг чеккасига қўйишди.

— Шу ишларни ўрганиб чиқиб, ҳар бири ҳақида хулоса ёзиб берасан, — дея топшириқ беришди унга.

Ҳалима олдига жуда масъулиятли вазифа қўйилганини, келгуси тақдири шу ишлар ҳақида қандай хулоса беришига боғлиқ эканлигини тушуниб турар эди.

У тайёрлаган хулосалар республика прокуратурасининг тажрибали, малакали ходимлари томонидан ўрганиб чиқилди ва улар қонун талабларига мос ҳолда тайёрланган деган тўхтамга келдилар.

Шундай қилиб, Ҳ.Муҳиддинова 1938 йилнинг октябрида республика прокурорининг суд назорати бўйича ёрдамчиси лавозимига тайинланди. У кўп ўтмай серғайрат, билимдон ходим сифатида танилди, кўпчиликнинг, жумладан республика прокуратураси раҳбариятининг ҳурматини қозонди.

1939 йилда унинг яна бир орзуси ушалди — Тошкент юридик институтининг кечки бўлимига ўқишга кирди. Бу пайтда у Тошкентнинг Тахтапул мавзесидаги уйлардан бирида ижарада турарди. Энди у ишдан сўнг институтга борар, дарслар тугагач, кечки соат ўн-ўн бирларда қиз бола боши билан кимсасиз кўчаларда ёлғиз уйга қайтарди. Бундай шароитда у қўрқмаган, қийналмаган деб айтсак ёлғон бўлади. Ҳатто умидсизликка тушиб, онаси, опалари ва акасининг олдига кетиб қолишига сал қолган пайтлар ҳам бўлган. Лекин бир нарсани дадил айтиш мумкинки, у сира нолимаган, оғир пайтларда ўз олдига қўйган мақсади сари қийналиб бўлса-да, бораётганлиги унга далда берар эди...

**Шохруҳ АКБАРОВ,**
**ҳуқуқшунос-журналист**

Faxriylar faxrimiz

# Умр мактаби



Иқтисодий жиҳатдан барқарор давлатгина ўз фуқароларининг ижтимоий ҳуқуқларини тўла кафолатлаши мумкин. Таъкидлаш жоизки, бу борада прокуратура органларининг ўрни ҳам ўзгача. Ҳар бир ходим ўзининг иш фаолияти даврида фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни биринчи галдаги вазифа сифатида белгилаб олса, кексайганда ҳам эл назарида бўлади. 70 йиллик умрининг асосий қисмини прокуратура органларидаги хизматга бағишлаган Сейилхон Бозорбоев ана шундай инсонлардан саналади.

— Болалик чоғимда отам урушга кетиб ҳалок бўлган, — хотирлайди Сейилхон ака. — Онам раҳматли бизни бошқалардан кам бўлмасин деб, эрта-ю кеч далада меҳнат қиларди. Мен ҳам мактабдан бўш пайтларимда онамга қарашардим. Меҳнатнинг таги роҳат деган гапнинг ростлигини ўшанда бошимдан ўтказиб амин бўлганман.

Мактабни тамомлагач, Сейилхон оға Қорақалпоғистон Олий судида котиблик лавозимида иш бошлайди. Атрофдаги муҳит уни ҳуқуқшуносликка бўлган қизиқишини янада орттирди ва Сейилхон оға Тошкент Давлат университетининг ҳуқуқшунослик факультетига сиртдан ўқишга киради. Тиришқоқлиги боис, талабалик давридаёқ уни прокуратура органлари сафига ишга қабул қилишади. Сейилхон оға оддий терговчиликдан иш бошлаб, Қорақалпоғистон Республикаси прокурорининг ўринбосари лавозимигача бўлган йўлни босиб ўтган. У киши қўлидан келганча фуқароларга ёрдам берарди.

— Айрим ишлар кўрилаётганда томонлар шу ишни мен кўриб чиқишимни сўраб, раҳбарларга мурожаат қилишарди. Судя бўлиб ишлаган давримда ҳам кўплаб оилаларнинг ажрашиб кетишини олдини олганман, уларга тўғри насиҳат бериб, оила масъулиятини тушунтирардим, — дейди меҳнат фахрийси.

Сейилхон оға Қорақалпоғистон Республикасида қонунийликни мустаҳкамлаш, жиноятчиликка қарши кураш, унинг олдини олиш, қонун устуворлигини таъминлаш ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга 42 йилдан ортиқ умрини бахшида этди. Ўзининг ишчанлик, қонунбузарликка муросасизлик, самимийлик каби фазилатлари билан ўнлаб шогирд, фарзандлари ва невараларига ўрнак бўлди.

Сейилхон оғанинг хизматлари эътиборсиз қолмади. Қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга қўшган улкан ҳиссаси ва узоқ йиллик меҳнат фаолияти инобатга олиниб, отахон «Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист» унвони билан тақдирланган.

Сейилхон оға 70 ёшни қаршиламоқда. Шу табаррук айёмда, у кишига мустаҳкам соғлиқ, узоқ умр, оилавий тотувлик, хонадонига тинчлик ва осойишталик тилаймиз.

**Э. ДИЛМУРОДОВ**

HUQUQ
yuridik gazeta

Ta'sischi:
O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi

Bosh muharrir:
Abduxoliq ABDURAZZOQOV

Tahrir hay'ati:
Bahriddin VALIYEV, Pirimqul QODIROV, Jahongir SHAROFBOYEV (Bosh muharrir o'rinbosari vazifasini bajaruvchi), Fozil MAMASHARIPOV (mas'ul kotib vazifasini bajaruvchi), Lola SHOMURODOVA

Tahririyat manzili:
Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.
Telefon: 133-82-34, 133-64-72.
E-mail: Info@huquq.uz.
Faks: 133-64-85, 133-10-53.

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egalariga qaytarilmaydi. Mualliflarning fikrlari tahririyat fikridan farqlanishi mumkin. Nashrimizdan ko'chirib bosilganda «HUQUQ»dan olinganligi ko'rsatilishi shart. Tijorat ahamiyatiga molik materiallar ** belgisi ostida chop etiladi.

Buyurtma Г — 358. 18.926 nusxada chop etildi. Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.
Navbatchi muharrir: D.XALILOV
Musahhih: A.MUSTAFOYEVA

Gazeta «Sharq» NMK bosmaxonasida ofset usulida chop etildi. Korxona manzili: Toshkent shahar, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta haftaning chorshanba kunlari chiqadi.
Sotuvda erkin narxda

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 023-raqam bilan ro'yxatga olingan. Nashr ko'rsatkichi — 231

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 20.00. Topshirildi: 17.30. 1 2 3 4 5 7 8